

Намуна

«ТАСДИКЛАЙМАН»

«_____»

фермер хужалиги

_____ 2011 й.

БИЗНЕС РЕЖА


_____ ВИЛОЯТИ,

_____ ТУМАНИДА

ХАЛҚАРО ТАРАККИЁТ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ

КРЕДИТИДАН ФОЙДАЛАНИБ

УЗУМ ЕТИШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



_____ - 2011 й.

ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ	2
ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ	2
УЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ	3
БИЗНЕС ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ	8
КИРИШ.....	8
ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ.....	10
ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАКСАДИ.....	12
ЛОЙИХА АСОСИГА КУЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР.....	13
ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ ХАКИДА КИСКАЧА МАЪЛУМОТ.....	13
ЛОЙИХАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ.....	14
ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЖАРАЁНИНГ ТАВСИФИ	16
ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЖАРАЁНИ ШАРХИ.....	16
ИШЛАБ ЧИКАРИШ КУВВАТЛАРИ.....	25
ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБ.....	26
ИШЧИ КУЧИ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБ.....	26
ИШЧИЛАРГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ.....	27
ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФИ	27
ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ	27
БОЗОР ШАРОИТИНИНГ ТАХЛИЛИ.....	27
ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРХ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАХЛИЛИ	34
SWOT (АЗИТ) ТАХЛИЛИ.....	35
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ.....	36
ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ	37
8-жадвал. Лойиха тугрисида кискача маълумот	37
УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ.....	37
ИШЛАБ ЧИКАРИШ ВА СОТИШ РЕЖАСИ.....	39
ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ.....	40
ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ	41
ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ	42
АМОТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ	42
ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ.....	43
КРЕДИТНИ КАЙТАРИШ РЕЖАСИ.....	43
ДАРОМАДЛАР, ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА ХИСОБИ.....	45
ИШЧИ КАПИТАЛ	45
ПУЛ ОКИМИ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ ОКИМИ	46
БАЛАНС РЕЖАСИ.....	47
ЛОЙИХА САМАРАДОРЛИК КУРСАТКИЧЛАРИ	48
ЭКОЛОГИК ТАЛАБ	48
ХУЛОСА	49
ИЛОВА	50

ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ

Ушбу бизнес режа «_____» фермер хужалиги буюртмаси асосида тайёрланган булиб, йулга куйилиши режалаштирилаётган лойиханинг молиявий – иктисодий, ташкилий ва маркетинг тахлилларини уз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар фермер хужалиги рахбарияти ва фермер хужалигининг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат «» фермер хужалигининг мулки хисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошка шахсларга ошкор этиш фермер хужалиги рахбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни фермер хужалиги рахбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошка шахсларга сотиш ёки такдим этиш, нусха кучириш ёки ошкор этиш маън этилади.

Куйида имзо чекувчилар юкоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир саклаш, таркатмаслик ва маълумот эгаси – «» фермер хужалиги рахбарининг илк талаби билан уни эгасига кайтаришни уз зиммасига олади.

Ф.И.Ш _____ ИМЗО _____

м. у.

Ф.И.Ш _____ ИМЗО _____

м. у.

Ф.И.Ш _____ ИМЗО _____

м. у.

Ф.И.Ш _____ ИМЗО _____

м. у.

ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ:

Самарканд вилояти, Самарканд тумани «» фермер хужалиги раиси – _____

ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:

Молиявий лизинг тизимида субкредитлаш асосида Халқаро Тараққиёт Ассоциациясининг ресурсларидан ОАТБ «Микрокредитбанк» Самарканд филиали томонидан тақдим этилаётган кредит.

ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ:

Фермер хужалиги

ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИНИНГ РУЙХАТДАН УТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАҚАМИ:

07 июнь 2005 йил, Реестрдаги тартиб рақами № ____, Гувоҳнома № _____

Асос: Самарканд туман хокимининг _____ даги ____ йилдаги № ____ -К сонли қарори

«» фермер хужалиги муассисининг _____ даги ____ йилдаги

-- сонли қарори

ХУЖАЛИКНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Республикаси, Самарканд вилояти, Самарканд тумани, _____

БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Банк: ОАТБ “Микрокредитбанк”, Самарканд туман бўлими.

Х/р.: _____

Банк коди (МФО): _____

СТИР (ИНН): _____

Тармоқ коди (ОКОНХ): _____

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ

- Лойиха суммаси: **146 000 000** сум
- Лойихада қатнашадиган шахсий маблаг: **11%=16 000 000** сум
- Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси кредит **89%=130 000 000** сум
- Кредитловчи ташкилот: ОАТБ «Микрокредитбанк»
- Кредит фоизи: **18 %**
- Лойихалаштириш муддати: **3** йил
- Имтиёзли муддат: **1** ой
- Урғача йиллик ялпи тушум: **406 207** минг сум.
- Урғача йиллик даромад: **113 083** минг сум.
- Фаолиятдан олинадиган йиллик урғача соф фойда микдори = **44 070** минг сум
- Лойиханинг соф фойда ҳисобидан реал оқланиш муддати= **3** йил
- Лойиханинг урғача рентабеллик даражаси = **14,8%**
- Яратиладиган ишчи уринлари сони: **9**та

ЛОЙИХАДА КУЗЛАНГАН АСОСИЙ МАКСАД:

Ушбу лойиханинг асосий мақсади Самарканд вилояти, Самарканд туманида мева-сабзавотларни етиштиришни ривожлантириш, ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида кредит маблағлари ҳисобидан узум мевасини етиштириш ва тугри парваришlash учун зарур бўлган бетон тиргакларни (шпалер) харид қилиш ва етиштирилган маҳсулотлар савдосидан кредитни қайтариб, тадбиркорлик фаолиятдан фойда қуришдан иборат. ташкиллаштириш орқали хужалик фаолиятини кенгайтириш. Лойихани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар хужаликнинг шахсий маблағлари ва жамғармалари, Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси ресурслари маблағлари ҳисобидан амалга ошириши режалаштирилган бўлиб, қисқа муддатда рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ

Узбекистон давлати мустақилликка эришгач уз олдига **“бозор иктисодиётига асосланган, очик ташки сиёсатга эга булган кучли ҳукукий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”**дек олий мақсадни кузлаб, узининг янги тараккиёт йулини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар каторига кушилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Кузланган мақсадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат булган **“Узбек модели”** (Иктисоднинг сиёсатдан устуворлиги, Конуннинг устуворлиги, Давлатнинг бош ислохотчилик роли, Кучли ижтимоий сиёсат, Бозор иктисодиётига босқичма-босқич утиш)нинг барча мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинishi, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий куллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари мустақилликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги (бирор бир мамлакатда, хаттоки ривожланган мамлакатларда бюджет харажатларининг 50 фоизи атрофида бунча салмоқда ажратилаётгани йук), 2009 йилда 56,5 фоизни ташкил этган булса, бу курсаткич 2010 йилда 59 фоиздан ошганлиги, утган йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, ойлик иш хаки, пенсия, нафақа ва стипендиялар уртача 40,0 фоизга ошганлиги бунинг яққол далилидир.

Хаттоки, Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан давлатимизда ижтимоий сиёсатни кузлаб, йилларнинг алоҳида номланиши, “Инсон манфаатлари йил ” (1997 йил), ”Оила йили” (1998 йил), “Соглом авлод йили” (1999 йил), “Аёллар йили” (2000 йил), “Она ва бола йили” (2001 йил), “Қарияларни кадрлаш йили” (2002 йил), ”Обод маҳалла йили” (2003 йил), “Меҳр ва мурувват йили” (2004 йил), “Сихат саломатлик йили” (2005 йил), “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” (2006 йил), ”Ижтимоий химоя йили” (2007 йил), “Ёшлар йили” (2008), “Кишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили” (2009) ва 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши, йилларнинг алоҳида номланиши орқали махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан кишлоқларда мактаблар, лицейлар, коллежлар, йуллар, кишлоқ врачлик амбулаториялари қурилиши, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг нақадар тугри эканлигини тан олган Россия Федерацияси, Қозғистон ва бошқа мамлакатларнинг бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тажрибасини биздан қуриб уз мамлакатларида қуллаётганлиги, жумладан, йилларнинг алоҳида номланиши, кишлоқларда мактаблар, лицейлар, коллежлар, йуллар, кишлоқ врачлик амбулаториялари қурилиши, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва хақазолар билан таъминлаш каби масалаларга яқин йиллардан бошлаб эътибор берилаётганлиги ва иш олиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Кишлоқ аҳолиси учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, кишлоқ хужалиги соҳасида амалга оширилаётган ҳукукий ислохотларнинг амалий натижалари билан боғлиқдир. Агарда 1989 йилдан 2010 йилгача булган даврга, қарийб 20 йиллик тарихимизга назар ташлайдиган булсак, ана шу вақт мобайнида мамлакатимизда кишлоқ ҳаётини, кишлоқ хужалиги соҳасини ривожлантириш, кишлоқдаги ижтимоий ва иктисодий масалаларни ҳал қилишга қаратилган Узбекистон Республикасининг 57 та қонуни, Узбекистон Республикаси Президентининг 100 га яқин фармон ва қарорлари, ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарорлари қабул қилинганлигига гувоҳ буламиз.

Узбекистон давлатининг мамлакатда, жумладан, кишлоққа доир олиб бораётган ижтимоий сиёсати замирида одамларнинг турмуш даражасини қутариш, уларнинг унумли ишлаши, фаровон яшаши учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш, ватанга, элга сидқидилдан хизмат қиладиган жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни тарбиялаш сингари эзгу мақсадлар мужассам.

Дунёнинг қупгина тараккий топган, бугунги қунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шунини курсатмоқдаки, аввало, узининг хусусий мулкига эга булган шахс ва бундай шахслардан иборат булган тоифа бу бойликни янада қупайтириш, асраб-авайлаш, узини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида булган қупгина вазибаларни амалга оширишга уз хиссасини қушади. Энг муҳими, уз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда химоялаш учун астойдил жон қуйдиради. Кишлоқ хужалиги ҳам бошқа барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонлар, айникса, фермерларга суянгандагина тараккий этади.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги“Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хужалиқларида қорва молларини қупайтиришни рағбатлантириш қора-тадбирлари тугрисида”ги қарори бу борадаги муҳим хужжат булди. Маълумки, кишлоқ қонадонини мол-қолсиз тасаввур этиш қийин. Қорва кишлоқ ақлининг турмушида меҳнат ва даромадларининг асосий қисмини белгилайди. Шу нуктаи назардан қараганда, мақкур қарор мамлакатда одамлар турмуш даражасини ошириш ва иш билан таъминлашда қатта аҳамият қасб этмоқда.

Биз қуйида ушбу қарорининг уч бандига тухталиб утмоқчимиз. Агар қарор ижроси борасида амалга оширилаётган ишларнинг қуламига назар ташласак, бу қараёнда кишлоқ ақлининг ҳам,

жойлардаги мутасаддиларнинг ҳам, саховатли инсонлар, беминнат хомийларнинг ҳам фаол эканлиги намоён булади. Масалан, шахсий ёрдамчи ва дехкон хужаликларида корамол бокиш билан банд булган шахслар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилиши ва конунга мувофик пенсия билан таъминланиш ҳукукига эга булиши фуқароларнинг иш билан бандлигидан ташқари, келгуси ҳаётида пенсия олишга замин

Мазкур қарорда шахсий ёрдамчи ва дехкон хужаликларига корамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш хусусида ҳам алоҳида банд мавжуд. Шунга кура, аҳолига жами 44,8 млрд сум миқдорда микрокредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 41,4 млрд. сум кредит берилди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 25166 нафар фуқаро корамол сотиб олиш учун имтиёзли кредит олди. Демак, давлат кишлоқ аҳолисига моддий мадад бериш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаб олиш учун кумаклашмоқда.

Мазкур қарорда таъкидланганидек, кам таъминланган оилаларга хомийлар томонидан корамоллар бериш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимлари томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар маъқулланган. Бу тадбирга кура, мамлакат бўйича эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалардан 20272 нафарига хомийлар ҳамда нодавлат хайрия ташкилотлари томонидан бепул корамол бериш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 18674 хонадон ана шундай беминнат хомийлик ёрдамини олиб булди.

Кишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг кифоасини узгартириш, бугун кишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шахар шароитига яқинлаштириш гоят муҳим урин тутади. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг кишлоқ жойларида қурилиш ишларини олиб бориши учун 2009 йилнинг узида “Кишлоққурилиш банк” орқали қарийб 60 миллиард сум маблағ йўналтирилди. 2010 йилда эса ана шу мақсадлар учун қушимча равишда яна салкам 530 миллиард сум маблағ йўналтириш кузда тутилган бўлиб, бунинг 256 миллиард сумдан зиёди давлат томонидан ажратилади. Бу борадаги ишлар 2010 йилда янада кенг куламда давом эттирилиб, мамлакатнинг 159 кишлоқ туманларида 7 минг 630 та янги уй-жой барпо этилади. Уларни 2011 йилнинг август-сентябрь ойларида уз эгаларига топшириш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, мамлакат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган режаларда нафакат шинам ва обод уйлар қуриш, айни пайтда болалар богчалари, умумтаълим ва мусика мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, йулар, бир суз билан айтганда, кишлоқ аҳолининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни уз ичига оладиган замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

Утган давр мобайнида бу йўналишда энг муҳим масалалардан бири булган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Бу ҳақда гапирганда, аввало, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та қорхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йигма конструкциялар тайёрлайдиган янги қорхоналар фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида йилига 81 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга булган 12 та янги завод ишга туширилди. Янгидан барпо этилган бу қорхоналарда тайёрланадиган қурилиш материаллари, хусусан, гишт нархини пасайтириш мақсадида уларга ҳар томонлама имтиёз ва шароитлар тугдириб берилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озик-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда қичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш қорхоналари ташкил этилди.

Юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини узаро ишончли боглайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига қичишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг куламли дастурни амалга ошириш ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида булмоқда.

Утган йилда 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та қуприк капитал таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сумдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Кишлоқда меҳнат қилувчи фермерлар ва аҳолининг даромадини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Утган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сум маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу кишлоқ хужалиқ экинлари ҳосилдорлигини, фермер хужалиқларининг даромадини ошириш имконини беради.

Утган йили курилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш уринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини кишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат курсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш уринлари очилди.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йуналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш урни яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бугунги кунда кишлоқ жойларида уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакат буйича умумий курсаткичнинг 30 фоизини ташкил этаётгани ва ушбу рақам тез суръатлар билан ушиб бораётгани, шунингдек, биргина 2009 йилда 4 минг 200 та кишлоқ мактаби интернет тармоғига улангани Ўзбекистонда улкан ишлар амалга оширилаётганидан дарак бериб турибди.

Энг асосийси, бундай хизмат турларининг ривожланиши аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айни пайтда кишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган минглаб йигит-қизларни иш билан таъминлашга хизмат қиляпти. 2009 йилда фақат кишлоқ жойларда 460 мингга, жумладан, хизмат курсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингга янги иш урни яратилди.

Кишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, дунё буйича энг уткир ва долзарб масалалардан бири булган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ муаммога алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Бу соҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Масалан, биргина утган йилнинг узида барча кишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар булган тиббий анжомлар, 44 та “УАЗ” санитария машинаси, 280 та “Дамас-амбуланс” тез ёрдам машинаси билан таъминланди, кишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорда тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилди.

Энг муҳими, утган йил давомида Ўзбекистонда 3 миллион 750 минг нафар кишлоқ аҳолиси малакали тиббий утриқдан, 22 минг нафардан зиёд хомиладор аёл махсус скрининг текширувидан утказилгани, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, уз саломатлигини мустаҳкамлагани давлатимизнинг ижтимоий сиёсатининг муҳим йуналишларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида том маънода тарихий аҳамиятга эга булган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан 12 йил олдин Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган эди. 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ишлаб чиқилди.

Бу дастурлар доирасида мамлакатда, жумладан кишлоқларда минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жихозлашдек кенг қуламли ишлар амалга оширилди. Утган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд укучилар, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ кишлоқ ёшлари битириб, хозирда ишлаб чиқариш, кишлоқ хужалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жаҳаларда меҳнат қилмоқда.

Биргина 2009 йилнинг узида мамлакатда жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан кишлоқ жойларидадир. Шулар қаторида барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-хунар коллежининг 170 таси кишлоқ туманларида бунёд этилди.

Айнан кишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жихозлаш учун жами 895 миллиард сум маблағ сарфланди.

Энг муҳими, бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тулдириб, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач уз олдиға қуйган олий мақсад яъни **“бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга булган қучли ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”** борасида узокни қузлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва таракқиётини таъминламоқда.

Кишлоқ хужалиги корхоналарини қайта ташкил қилиш жараёнида кишлоқда хусусий мулк синфи шаклланди. Бундан ташқари, шурулар даврида истеъмолнинг 80 фоизи импорт ҳисобидан таъминлаб қелинган мамлакатимиз ута қиска фурсат ичида галла мустақиллигига эриша олди. Натижада, галла етиштириладиган майдонлар салқам икки баравар ёки 703,6 минг гектарга, сугориладиган ерларда эса бевосита 2,8 баравар ёки 875,6 минг гектарга ошди. Пахта экин майдонлари 268,1 минг гектарга қисқарди. Сугориладиган ерларда кишлоқ хужалиги экинларини етиштириш илмий

асосланган параметрларга якинлаштирилди: экин майдонлари таркибида галла экиннинг улуши 40,6 фоизга, пахта майдонининг улуши эса 43,6 фоизга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги “Озик-овкат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни купайтириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Фармони мазкур жараёни яна давом эттиришни назарда тутди. Унга биноан пахта етиштириладиган майдонлар кискартирилиб, бошокли дон экинлари майдонини қарийб 50 минг гектарга, шунингдек, сабзавот, мойли усимликлар ва бошка озик-овкат экинлари майдонини янада кенгайтириш кузда тутилади.

Демографик жараёнлар ҳамда ер-сув ресурслари такчиллиги янада мураккаблашиб бораётган бир шароитда, хосилдор экин майдонлари таркибининг бозор муносабатлари талабларидан келиб чикиб узгартирилиши сабзавот, картошка махсулотлари микдорининг купайиши билан бир каторда, дон ва дуккакли усимликлар, сабзавот, полиз, мева ва узум махсулотларининг турлари ҳамда ассортиментни кенгайтиришга асос бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик шарофати билан мойли экинларга булган муносабат ижобий томонга узгарди. Яъни, пахта яккахокимлиги шароитида илгари мамлакатимизда етиштирилмаган ёки етарли эътибор берилмаган кунгабокар, сафлор, соя ва канд лавлаги каби мойли экинлар майдонлари сезиларли даражада купайди. Ушбу экинларни қайта ишловчи махсус ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Эришилган натижаларни рақамлар билан айтадиган бўлсак, истиклол йилларида дон махсулотларини етиштириш 5,3 баравар, картошка — 2,1 баравар, сабзавот, мева, узум — 1,2 баравар, чорвачилик махсулотларини етиштириш уртача 1,2—1,3 бараварга купайди.

Хукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган сиёсат натижасида дон махсулотлари импорти 2,5 бараварга кискарди, аҳоли жон бошига дон ишлаб чиқариш эса уртача 1,9 бараварга ошди.

Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг умумий экспорти ҳажмида озик-овкат махсулотларининг улуши 1997 йилда атиги 3,2 фоизни ташкил этган бўлиб, 2007 йилда у 8,5 фоизга етди. Ва аксинча, давлатнинг озик-овкат импортига қарамлилик даражаси кискариши кузатишмоқда. Яъни 1997 йилда озик-овкат махсулотлари импорти 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда мазкур курсаткич 7,9 фоизга тушди. Бундай натижага нафакат мева, сабзавот-полиз, консерва каби махсулотларни кенг ҳажмда ишлаб чиқарилиши ҳисобига, балки ун-нон, гушт ва бошка махсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ҳам эришилди.

Мамлакат аграр сектори эртапишар ва кечпишар мева ҳамда сабзавот, полиз, ёнгок, писта-бодом каби махсулотларни ишлаб чиқаришда катта салоҳиятга эга. Улар буйича таклифлар ички талабдан юқори бўлиб, экспорт ҳажмини ошириш учун қулай имконият яратади.

Шу боис, кишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш мақсадида дехкон ва фермер хужалиқлари етиштирган мева-сабзавот махсулотларини сотиб олиш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш ва қайта ишлашда қумак беришни ташкил этиш мақсадида фермерларнинг агрофирма каби ихтиёрий уюшмалари яна қайтадан ташкил қилинди. Агрофирмалар хорижий давлатларга кишлоқ хужалиги махсулотларини экспорт қилиш ҳажмларининг купайишига муайян ҳисса қушишмоқда. Масалан, биргина 2007 йилнинг узида мавжуд 195 та агрофирманинг 64 таси йил давомида 6 минг тоннага яқин махсулот экспорт қилишга эришди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон нафакат хужалиқлараро ва агросаноат кооперациялари ҳисобига озик-овкат хавфсизлигини таъминламоқда, балки у Хамдустлик давлатлари озик-овкат бозорига ҳам узининг муносиб ҳиссасини қушиб келмоқда.

Хукуматимиз аграр соҳанинг барқарор ривожланиши учун катта қумак бериб келмоқда. Кишлоқ хужалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уз ичига қуйидаги асосий йўналишларни олади: кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда яққа тартибдаги ишлаб чиқарувчилар ахамиятини қучайтириш; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш; дехкон ва фермер хужалиқларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам бериш; кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда қўллаб-қувватлаш; уларни аҳоли турмуш тарзини ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айлантириш; истеъмол бозорларини кишлоқ хужалиги махсулотлари билан тулдириш ва улгуржи савдо тизимини янада ривожлантириш; мамлакат ҳудудларида импорт урнини босувчи махсулотлар ҳажмини купайтириш ва экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жаҳонда иқтисодий ва озик-овкат инкирозлари тобора чуқурлашаётган бир даврда мамлакатимизда озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай аграр сиёсат мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг ошишига хизмат қилапти.

БИЗНЕС ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ

КИРИШ

Якин кунларгача (10 – 15 йил олдин) кишлок хужалик соҳасида Ўзбекистон Республикаси кийинчилик даврини бошдан кечираётган эди, яъни ишлаб чиқариш қувватлари эскириб бораётганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин камайиши ва чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик маҳсулотларига булган талабнинг ортиши натижаси бозор мувозанатининг бузилиши кузатилаётган эди.

Аммо кишлок хужалиги, хусусан фермерлик фаолиятига курсатилаётган эътибор натижаси уларок кейинги 3-4 йил ичида соҳада туб узгаришлар руй бера бошлади. Кишлок хужалик соҳасини тубдан ислох қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва кишлокда фермер хужаликлари негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва президентимиз И. А. Каримов томонидан 2009 йилнинг «Кишлок тараккиёти ва фаровонлиги» йили деб номланиши ва бу борада олиб борилган ишлар натижаси уларок кишлок хужалиги соҳасига булган эътиборнинг кучайиши кузатилмоқда. Натижада кишлок хужалиги соҳаси инвестициялар учун энг қулай ва молиявий жиҳатдан даромадли бизнес фаолиятига айланиб бормоқда.

Мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум ресурсларидан оқилона фойдаланиш, улар билан биринчи навбатда ички бозорни тулдириш, мамлакатимизнинг қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжларини таъминлаш, шунингдек маҳсулотларни экспортга етказиб беришни пухта ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳамасининг қатор қарорлари қабул қилинган бўлиб, бунга 17.07.2007 йилдаги «Мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тугрисида»ги 145 – сонли қарори мисол қилиб келтириш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз кишлок хужалигида амалга оширилган кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар аграр соҳада туб узгаришларга олиб келди. Энг аввало, пахта яккаҳоқимлиги барҳам топди, аграр ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзбек халқининг менталитетига мос ва жаҳоннинг илғор тажрибасига асосланган шакллари – дехқон ва фермер хужаликлари ташкил этилди. Маҳкамавий бошқарув тизими бартараф этилиб, урнига бозор усуллари татбиқ этила бошланди. Бу эса уз навбатида қайта ишловчи тармоқларни кишлок хужалиги хомашёси билан, аҳолини эса озик-овқат маҳсулотлари билан тула таъминлашга асос яратди. Шунингдек, кишлок хужалиги экспорт борасида ҳам етакчи соҳалардан бирига айланди. Энг асосийси қисқа муддатда мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги “Озик-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни қупайтириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Фармони мазкур жараённи яна давом эттиришни назарда тутди. Унга биноан пахта етиштириладиган майдонлар қискартирилиб, бошқоқли дон экинлари майдонини қарийб 50 минг гектарга, шунингдек, сабзавот, мойли усимликлар ва бошқа озик-овқат экинлари майдонини янада кенгайтириш кузда тутилади.

Демографик жараёнлар ҳамда ер-сув ресурслари тақчиллиги янада мураккаблашиб бораётган бир шароитда, ҳосилдор экин майдонлари таркибининг бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб узгартирилиши сабзавот, картошка маҳсулотлари миқдорининг қупайиши билан бир қаторда, дон ва дукқакли усимликлар, сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотларининг турлари ҳамда ассортименти кенгайтиришга асос бўлиб хизмат қилди.

Эришилган натижаларни рақамлар билан айтадиган бўлсак, истиклол йилларида дон маҳсулотларини етиштириш 5,3 баравар, картошка — 2,1 баравар, сабзавот, мева, узум — 1,2 баравар, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш уртача 1,2—1,3 бараварга қупайди.

Юртимиз асрлар давомида озик-овқат маҳсулотлари билан наинки узини узи тула боқиб келган, балки қушнилариимизга уларни экспорт ҳам қилиб келган. Лекин мустамлақа даврида Ўзбекистон собиқ тузум енгил ва туқимачилик саноатини арзон ва сифатли пахта хомашёси билан таъминловчи базага айлантирилди. Шу боис, юртимизга озик-овқат маҳсулотларининг муайян қисми бошқа республикалардан олиб келина бошланди. 2001 йилга келиб Ўзбекистон яна дон экспорт қилиш даражасига ета олди.

Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг умумий экспорти ҳажмида озик-овқат маҳсулотларининг улуши 1997 йилда атиги 3,2 фоизни ташкил этган бўлиб, 2007 йилда у 8,5 фоизга етди. Ва аксинча, давлатнинг озик-овқат импортига қарамлилик даражаси қисқариши кузатилмоқда. Яъни 1997 йилда озик-овқат маҳсулотлари импорти 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда мазкур курсатқич 7,9 фоизга тушди. Бундай натижага нафақат мева, сабзавот-полиз, консерва қаби

махсулотларни кенг хажмда ишлаб чиқарилиши ҳисобига, балки ун-нон, гушт ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ҳам эришилди.

Мамлакат аграр сектори эртапишар ва кечпишар мева ҳамда сабзавот, полиз, ёнгок, писта-бодом каби махсулотларни ишлаб чиқаришда катта салоҳиятга эга. Улар буйича таклифлар ички талабдан юқори булиб, экспорт ҳажмини ошириш учун қулай имконият яратади.

Шу боис, кишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш мақсадида деҳқон ва фермер хужалиқлари етиштирган мева-сабзавот махсулотларини сотиб олиш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш ва қайта ишлашда қумак беришни ташкил этиш мақсадида фермерларнинг агрофирма каби ихтиёрий уюшмалари яна қайтадан ташкил қилинди. Агрофирмалар хорижий давлатларга кишлоқ хужалиги махсулотларини экспорт қилиш ҳажмларининг қупайишига муайян ҳисса қушишмоқда. Масалан, биргина 2007 йилнинг узида мавжуд 195 та агрофирманинг 64 таси йил давомида 6 минг тоннага яқин махсулот экспорт қилишга эришди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон нафақат хужалиқлараро ва агросаноат кооперациялари ҳисобига озик-овқат хавфсизлигини таъминламоқда, балки у Хамдустлик давлатлари озик-овқат бозорига ҳам узининг муносиб ҳиссасини қушиб келмоқда.

Хукуматимиз аграр соҳанинг барқарор ривожланиши учун катта қумак бериб келмоқда. Кишлоқ хужалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уз ичига қуйидаги асосий йўналишларни олади: кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда яқка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар аҳамиятини кучайтириш; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш; деҳқон ва фермер хужалиқларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам бериш; кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда қўллаб-қувватлаш; уларни аҳоли турмуш тарзини ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айлантириш; истеъмол бозорларини кишлоқ хужалиги махсулотлари билан тўлдириш ва улғуржи савдо тизимини янада ривожлантириш; мамлакат ҳудудларида импорт урнини босувчи махсулотлар ҳажмини қупайтириш ва экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, жаҳонда иқтисодий ва озик-овқат инкирозлари тобора чуқурлашаётган бир даврда мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай аграр сиёсат мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг ошишига хизмат қилапти.

Кейинги вақтда, банк-молия институтларининг, сугурта компаниялари, инвестицион фондлар ва жамғармаларнинг, бошқа турли кредит ташкилотларининг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари билан ҳамкорлик қилишга булган қизиқиши сезиларли даражада кучайиб бормоқда. Айни кунларда жаҳон молиявий инкирозини ҳисобга олиб банкларнинг йирик корпоратив клиентлар (барқарорлиги молия бозорлари операциялари динамикасига боглик булмаган), реал ишлаб чиқариш билан банд корхоналар ва истикболли лойиҳаларга қизиқиши ошган булиб, айнан шундай ташаббусни Ўзбекистон ҳукумати ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Хукуматнинг кишлоқ хужалигини ислох қилиш ва ривожлантиришга катъий қиришганлиги, богдорчилик ва мева – сабзавот етиштириш соҳасининг истикболлари ва қўзланаётган режаларнинг амалга ошишини ҳисобга олиб ушбу лойиҳа молиявий жихатдан анча барқарор ва инвестициялар учун самарали дейиш мумкин. Шу сабабли ушбу соҳада иш фаолиятини бошлаётган тадбиркор ҳукуматнинг солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар билан тулақонли қўллаб-қувватлашига эришади.

Кейинги вақтда, банк-молия институтларининг, сугурта компаниялари, инвестицион фондлар ва жамғармаларнинг, бошқа турли кредит ташкилотларининг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари билан ҳамкорлик қилишга булган қизиқиши сезиларли даражада кучайиб бормоқда. Айни кунларда жаҳон молиявий инкирозини ҳисобга олиб банкларнинг йирик корпоратив клиентлар (барқарорлиги молия бозорлари операциялари динамикасига боглик булмаган), реал ишлаб чиқариш билан банд корхоналар ва истикболли лойиҳаларга қизиқиши ошган булиб, айнан шундай ташаббусни Ўзбекистон ҳукумати ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Республика ҳукумати томонидан кишлоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли равишда кредитлаш ва лизинглар орқали молиялаштириш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Шу жумладан бу жараёнга халқаро молия институтларининг ҳам жалб этилиши соҳага булган эътиборнинг қучли эканлигидан далолатдир.

Лойиҳада асосан кишлоқ хужалиги билан боглик ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турларини молиялаштириш ва қайта молиялаш назарда тутилган. Хусусан кишлоқ хужалиги техникалари ва кишлоқ хужалиги, озик-овқат махсулотларини қайта ишлаш усқуналарига инвестициялар, кишлоқ хужалиги махсулотларини саклаш ва кадоклаш, агротехник ва кишлоқ хужалигидаги бошқа турдаги хизматлар курсатиш, деҳқончилик махсулотлар етиштириш, паррандачилик махсулотларини сотиш

шабожаларини ташкил этиш ва бошка шу каби узок муддатли инвестицион фаолиятлар молиялаштирилиши кузда тутилган.

«» фермер хужалиги ушбу лойихасида Самарканд туманида дехкончилик фаолияти билан бир каторда, узум етиштиришни ривожлантириш учун 130 000 000 сум инвестиция маблағини узлаштириш кузда тутилган булиб, ушбу маблағлар узумларни тугри парвариш қилиш учун зарур булган бетон тиргаклар харид қилиш учун сарфланади. Эвазига эса рентабеллиги юкори булган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

Хисоб – китобларда Вазирлар Махкамасининг 05.02.1999 йилдаги № 54 - сонли «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши» тугрисидаги қарори бўйича амалдаги хисоб-китоб норматив курсатқичлари ва 2010 йил якунидаги солиқ ва бошка мажбурий тулов нормаларидан келиб чиқилган. Барча хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сумда амалга оширилган булиб, айна дамда 1 АҚШ доллари яхлитланган ва узиш суратларини хисобга олган ҳолда 1566 сумга тенг деб олинган.

Хукуматнинг қишлоқ хужалигини ислох қилиш ва ривожлантиришга қатъий қиришганлиги, соҳанинг истикболлари ва қузланаётган режаларнинг амалга ошишини хисобга олиб ушбу лойиха молиявий жиҳатдан анча барқарор ва инвестициялар учун самарали дейиш мумкин. Шу сабабли ушбу соҳада иш фаолиятини бошлаётган тадбиркор хукуматнинг солиқ ва бошка турдаги имтиёзлар билан тулақонли қуллаб-қувватлашига эришади.

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ

Ўзбекистон Республикаси 2009 – 2011 йиллар давомида гушт, сўт махсулотлари етиштириш ва паррандачилик соҳасини ривожлантириш учун 100 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағни қишлоқ хужалиги соҳасини ривожлантиришга, ундан ташқари қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва минитехнологияларни жорий этиб қам қувватли, аммо самарали ишлаб чиқариш ва саноат қорхоналарини ташкил этиш ва бошка шу каби мақсадлар учун мақсадли кредитлар ажратишни назарда тутиб 490 млрд. сумдан ошиқроқ маблағни айна шу соҳаларга жалб этиши кузда тутилган.

Жорий йилда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорда уларга булган талабни қондириш борасида қатор тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бу борада кенг қуламли ишлар бутун Республика бўйича олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда мева-сабзавотчилик соҳасида кенг қуламли ислохотлар утқазилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бугун юртимиз бозорлари сархил мева-сабзавот махсулотлари билан тулиб-тошган.

Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тугрисида»ги Фармони ва тегишли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ёркин самарасидир.

Соҳани ривожлантириш юзасидан 2008 йилда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу қуйидаги далил ва рақамларда уз ифодасини топади.

Фермер, дехкон ва бошка тоифадаги хужалиқлар ҳамда аҳоли томорқаларида озик-овқат махсулотлари етиштиришни янада қупайтириш мақсадида ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитига мос 1200 тоннадан ортик сабзавот, 515 тоннага яқин полиз экинлари уруги, 210 миң тоннадан зиёд уруглик қартошка етқазиб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бог-тоқзорлар инвентаризациядан утқазилиб, ярқисиз деб топилган 10,5 миң гектар майдонга 3 млн 239 миң туп мевали дарахтлар, 5,1 миң гектар майдонга 5 млн 811 миң туп тоқ қучатлари экилди. Шунингдек, 10 миң 225 гектар майдондаги боглар орасига 1 млн 532 миң туп мевали ҳамда қарийб 8 миң гектар тоқзорлар хатосига 5 млн 368 миң туп узум қучатлари утқазилди. Экин майдонлари ҳамда йул атрофларига 42 млн тупдан қупроқ манзарали ва мевали дарахтлар қучатлари, жумладан 2 млн 755 миң туп арча, 26 млн 598 миң туп терак, 5 млн 623 миң туп мевали, 7 млн 294 миң туп тут қучатлари экилди.

Асосий, оралик ва тақрорий майдонларга 232,2 миң гектар сабзавот, 54,9 миң гектар полиз ва 69,3 миң гектар қартошка экинлари жойлаштирилди.

Пировардида 5613,7 миң тонна сабзавот, 1510,9 миң тонна қартошка, 1058,3 миң тонна полиз махсулотлари, 1527,5 миң тонна мева, 1077,1 миң тонна узум етиштирилди. Юқоридаги курсатқичлар 2006 йилдагига нисбатан 1,5—1,3 марта қупдир. Демак, миришқорларимиз эл-юрт дастурхонига тортик этаётган мева-сабзавот махсулотлари миқдори йил сайин ортиб бормоқда.

Кайта ишлаш корхоналари томонидан 1130 минг тоннадан ортик мева-сабзавот ва узум махсулотлари кабул килинди. Экспортга 695,1 минг тонна махсулот жунатилди.

Коракалпогистон Республикаси ва вилоятларда 2009 йилда 263 та агрофирмалар фаолият юритмокда. Агрофирмаларга жами таъсисчи булиб кирганлар сони 17281 та булиб, шундан, 16632 та фермер хужаликлари, 129 та кайта ишлаш корхоналари, 92 та кишлок хужалиги махсулотлари тайёрлаш шахобчаси, 62 та тара идишлар тайёрлаш шахобчалари, 71 та транспорт хизмат курсатиш шахобчалари, 161 та СФУ лар, 134 та бошка субъектларни ташкил этади.

Республикада мавжуд 263 та агрофирмалар томонидан махсулот етиштирувчи фермер хужаликлар билан жами 1539,8 минг тонна мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка махсулотлари сотиб олиш буйича шартномалар тузилган. Махсулот етиштирувчи субъектлардан тузилган шартномалар асосида агрофирмалар томонидан махсулотларни сотиб олиб, ушбу махсулотларни тайёрловчи корхоналарига етказиб бериб борилмокда.

Республикамизда фаолият юритаётган 193 та агрофирма томонидан махсулот етиштирувчи фермер хужаликларига махсулотларининг кафолатли сотилишини таъминлаш мақсадида улар билан 50 млрд 47 млн сумлик махсулот сотиб олиш буйича шартномалар тузилди. 2006 йилга нисбатан 1,3 мартага куп, бошқача айтганда 412,5 минг тонна махсулотлар сотиб олинди. Хозирга қадар шунинг 369,1 минг тоннаси 47 млрд 387 млн сумга сотилди.

Юртимиз сохибкорлари 2009 йилда янада улкан натижаларга эришишни кузлаган. Зеро, аксарият мевали дарахтлар 3—4 йилда ҳосилга кирганидек, соҳада 2006 йилда бошланган иктисодий ислохотларнинг янги босқичи ҳам уз меваларини бера бошлади.

Республика буйича 2009 йилда 184,6 минг гектар майдонга сабзавот (сабзи, помидор, пиёз, қарам ва бошка экинлар), 62,9 минг гектарга картошка ва 42,1 минг гектарига полиз экинлари экиш белгиланган. Жойлардан олинган даслабки маълумотларга қура жорий йилнинг 20 апрелигача 144,3 минг гектар майдонга сабзавот, 23,7 минг гектар майдонга полиз ва 63 минг гектар майдонга картошка экинлари экилган.

Республикада мавжуд 225 минг гектар майдондаги боғлардан 172 минг гектари ҳосилли боғлар. 131 минг гектар майдондаги тоқзорлардан 104 минг гектари ҳосилли тоқзорлар. 2009 йил 1 чорак якуни билан 21,0 минг тонна сабзавот махсулотлар етиштирилган.

Мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка махсулотларини етиштириш прогноз курсаткичлари:

Сабзавот – 5 млн. 510 минг тонна

Полиз – 1 млн. 46,4 минг тонна

Картошка – 1 млн. 485,2 минг тонна

Мева – 1 млн. 477 минг тонна

Узум – 899,4 минг тонна

Прогноз курсаткичларида белгиланган ҳажмларда махсулотларни йигиштириш ишлари мавсумий давом эттирилмокда.

Мухтасар килиб айтганда, мамлакатимизда соҳани комплекс ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳолининг озик-овқат махсулотларига булган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, уларни қайта ишланган ҳолда экспортга чиқариб валюта тушуми салмогининг қупайишига хизмат қилади.

Бизнес фаолиятини режалаштиришнинг энг асосий ютуғи шундан иборатки, тугри ташкил этилган бизнес режа ҳар бир тадбиркор учун энг долзарб масала соҳага инвестиция қилиш жозибдорлиги изоҳлайди. Ушбу бизнес режа 2000 бош товукка мулжалланган, жаҳон талабларига жавоб берадиган товукчилик фермасини қуриш ва тухум етиштириш фаолиятини ташкил этиш, мева – сабзавотларни музлатилган ҳолда сифатли саклай оладиган музлаткич қуриш ва иссиқхона шароитида олма ва лимон махсулотларини етиштириш фаолиятининг молиявий самарадорлигини изоҳлаш ва соҳанинг инвестиция учун жозибдор ва фойдали эканлигини исботлаш учун тузилди.

Лойихани амалга ошириш үч босқичдан иборат.

Дастлабки босқич 2010 йилнинг май ойидан бошланиб, иккинчи босқичнинг йигим ва ҳосилдорлик вақтига тугри қелишини ташкил этиб, 6 ойлик вақт оралиғида тулик амалга оширилиши қузда тутилган. Оптимистик ҳисобларга қура бу икки босқич ишлаб чиқаришни ташкил этишгача булган босқич булиб 4 ой ва пессимистик ҳисобларга қура 8 ойни ташкил этади. Аммо лойихада уртача ушбу босқичга 6 ой вақт ажратилади. Ва бу муддатнинг дастлабки ойларида унумли фойдаланилиб ишлаб чиқариш қиска муддатда йулга қуйиш режалаштирилган. Кейинги (учинчи) босқичга утиш ишлаб чиқаришни тула ташкил этишни уз ичига олади.

1 БОСКИЧ – Тайергарлик ишларининг ташкил этилиши

Вақт оралиғи: 1-2- ойлар.

Килинадиган ишлар: Лойихани амалга ошириш учун зарурий маблаг ва капитал ресурс манбаларини аниклаш, лойиханинг иктисодий ҳисоб китоблари, техник иктисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш. Лойиха сметасини аниклаш. Узумлар учун бетон тиргаклар қуриш материаллари ва уғит, енилги мойлаш материаллари етказиб берувчи ташкилотлар (Республика ҳудуди ва чет - эл) билан сотиб олиш бўйича шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий фермерлар ва бошқа ташкилотлар билан фаолият йулга қуйилгандан кейин биринчи чорак учун зарур бўлган минерал уғит маҳсулотини етказиб бериш бўйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойихани амалга ошириш учун зарурий маблаг суммаси ва лойиха самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредитни узлаштириш.

2 БОСКИЧ: Қурилиш-монтаж ишлари ва инвестицияни узлаштириш.

Вакт оралиги: 3-4- ойлар

Килинадиган ишлар: Инвестицияни узлаштириб лойихада қузда тутилган барча ишларни яқунлаш, бетон тиргаклар қурилишини яқунлаш, минерал уғитлар ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни излаб топиш, хом-ашё ресурсларини харид қилиш ва узумларни парваришлаш. Ҳужалиқда иш фаолиятини ташкил этувчи малакали кадрларни топиш ва ишга олиш. Ва ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш.

3 БОСКИЧ: Нормал иш фаолиятининг йулга қуйилиши.

Килинадиган ишлар: узум ва галла ҳосилини йиғиштириб олиш ишларини ташкил этиш, маҳсулотни сотиш каналларини топиш, савдо фаолиятини риск ва хатарларни камайтириш учун шартнома асосида ташкил этиш. Маҳсулотлар, уларни сотишдан тушган тушум, даромад ва харажатларни ҳисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб олдиндан қузда тутилган техник иктисодий асослов бўйича ҳужалиқ фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

Ушбу лойихани ишлаб чиқиш 2010 йилнинг иккинчи чорагида бошланганлигини ҳисобга олиб келгуси йилнинг март-апрель ойларида ҳужалқ уз фаолиятини бошлаши ва келгуси йил охири (сентябрь ойлари)га келиб тулик фаолият юритиши қузда тутилган.

Узумчиликда энг катта эътибор минерал уғитлар ва узум парваришига қаратилиши керак. Узумлар учун асосий минерал уғитлар селитра, аммофос ва калий ҳисобланади. Хом-ашё маҳсулотларига бўлган талаб яқин орадаги уғит тарқатиш омборларидан маҳаллий фермер ҳужалиқлари базасида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, озуқаларга бой уругликларни харид қилиш орқали қондирилади.

Лойиха режасига асосан шу йилнинг (2010 й.) узида Фермер ҳужалиги ихтиёридаги ер майдонига қуйидаги тартибда экин экилган: 70 гектарга узум, 10 гектарга бугдой, ва 15 гектарга пиёз. Ушбу экинлар ҳосилдорлик курсаткичларининг уртача даражасидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки 2010 йил ҳосилидан 700 тонна узум, 44 тонна бугдой, 75 тонна пиёз ва иккиламчи маҳсулот сифатида 40 тонна бугдой етиштириш режалаштирилган.

ЛОИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАКСАДИ

Лойиханинг асосий мазмуни 70 гектарга узум, 10 гектарга бугдой, ва 15 гектарга пиёз маҳсулотларини экиб, ҳосилдорлик курсаткичларининг уртача даражасидан келиб чиқиб 700 тонна узум, 44 тонна бугдой, 75 тонна пиёз ва иккиламчи маҳсулот сифатида 40 тонна бугдой етиштириш, кишлоқ ҳужалиқ маҳсулотлари тайёрлаш ва уларни сотиб тадбиркорлик фаолиятдан фойда қуриш, шунингдек туман ва кишлоқ аҳолисининг ижтимоий жихатдан қуллаб – қувватлаб, янги иш уринлари яратишдан иборат.

Лойиханинг асосий мақсади юқорида айтиб утилганидек қиритиладиган инвестиция ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг, Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида дастлабки йилларда 700 тн. маҳсулотни етиштириш қувватларига эга бўлган мева-сабзавотларни қайта етиштириш, баҳор фасларида сотишга тайёрлашга ихтисослашган тайёрлов қорхонасининг иш фаолиятини ташкил этиш, фойда олишни қузлаб жорий йилда режалаштириладиган маҳсулотларни харид қилиб уларни қиш ва баҳор фаслида маҳаллий ва хорижий бозорларда сотишни ва 3 йил олдин экилган тоқлар ҳосил берадиган даражага етганлигини инобатга олиб, кейинги йилларда тулақонли мева-сабзавот тайёрлов комплексини яратиш ундан фойда олишга қаратилган. Шунингдек дастлабки йилларда қилинган харажатларни қисман қоплаш учун галла ва сабзавот етиштиришдан фойдаланиш ҳам назарда тутилган.

Стратегик жихатдан фермер ҳужалиги уз олдига юқорида айтиб утилган барча мақсадларга эришишни, ва лойиха даврида (3 йил) тулақонли тухтовсиз ишловчи мева-сабзавот тайёрлов комплексини яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жихатдан энг маъқул муҳитни яратишни ва ҳудуд аҳолиси учун юқори сифатли, ҳаммабон ва арзон маҳсулотлар базасини яратишни мақсад қилиб

куяди. Хужалик бу мақсадларга эришиш орқали мева – сабзавот бозори ривожига уз хиссасини кушиш ва шу муддат ичида Республикада етакчи уринлардан бирини эгаллашни, истикболда кайта ишланадиган махсулотлар сонини купайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага кушимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида хужалик олдига куйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда Самарканд вилояти, Самарканд туманида мева-сабзавотларни кайта ишловчи корхона сифатида махсулотлар бозорида кузга куриган корхоналардан бирига айланиб, бозорнинг 30 % ортиқроқ улушини эгаллашни. Ун йилдан сунг эса бу курсаткични кушимча инвестициялар жалб қилиш; етук ва малакали кадрлар тайёрлаб, улар тажрибасига ва инновацион технологияларни куллаш, истеъмолчилар ва бозор талабларини мунтазам урганиб бориб 45 % гача етказишни уз олдидаги истикболли режалардан бири қилиб белгилайди

ЛОЙИХА АСОСИГА КУЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Кредитга хариди режалаштирилган махсулот умумий қиймати – 130 000 000 сум

Фаолиятнинг мазмуни – полиз экинлари, меваларни етиштириш ишларини самарали ва унумли ташкил этиб, хосилни киш ва баҳор ойлари давомида савдосини ташкил этиш ва мева – сабзавотларни тайёрлаб сотиш буйича узлуксиз иш циклини йулга куйиш, етиштирилган махсулотларни асосан маҳаллий ва шунингдек чет –эл бозорларида сотиш.

Лойиха суммаси (киритиладиган инвестициялар хисобидан): 146 000 000 сум.

Лойиха муддати – 3 йил. (Шундан 1 ойимтиёзли муддати)

Махсулот сотишдан тушган йиллик тушум (урта хисобда) – 406 207 000 сум.

Солик туловлари амалга оширилгунга қадар булган соф фойда (урта хисобда) – 84 685 минг сум.

Урта хисобдаги йиллик соф фойда – 44 070 сум

Лойиханинг тула қопланиш муддати – 36 ой.

Лойиха самарадорлигининг интеграл курсаткичлари	
Курсаткич	Мазмуни
Лойиханинг ялпи даромаддан узини оқлаш муддати	13 ой
Лойиханинг солиқлар тулангунга қадар булган фойдадан оқланиш муддати	19 ой
Кредит қайтарилгандан кейинги соф фойдадан оқланиш муддати	36 ой
Уртача рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати)	14,8 %
Лойиха даври (бир циклик давр назарда тутилмоқда)	1 йил=12 ой
Тула оқланиш даври	3 йил

Лойиханинг умумлашган «Монте – Карло» усулидаги тахлили шуни курсатадики, хатто фаолият ривожининг пессемистик сценарийси барқарор курсаткичларга эга ва ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиханинг уз узини оқлаш муддатининг лойиха давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессемистик прогнозларда (паст нархлардаги савдони назарда тутиб) юқорилиги, яъни ялпи харажатга нисбатан 14,8 % ортиқроқ эканлиги, нормал рентабеллик лойихани барқарор ва даромадли эканлиги асослайди. Бундан ташқари лойиханинг мавсумийлик характерга эга эканлиги хисобга олсак, бу иш хақи харажатларининг янада қисқариш имкониятлари мавжудлиги, ва лойихадаги инветиция маблағидан бир эмас бир неча мартаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тула қайтарилишининг рисклардан холи равишда қўлатланганлиги ва фаолиятни бир марталик мева хариди ва сотилишидаёқ узини оқлаб, фойда келтирилишини лойиханинг муваффақиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди. Бу эса уз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибадорлигини оширади.

ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ ХАКИДА ҚИСКАЧА МАЪЛУМОТ

ЛОЙИХАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ

«» фермер хужалиги Самарканд вилояти, Самарканд тумани хокимининг 1999 йил 3 июльдаги № 385 – К сонли қарори билан, 2005 йилнинг 16 майдаги фермер хужалиги муассисининг 1 – сонли қарори асосида 7 июнь 2005 йилда ташкил ташкил этилган. Хужалик фаолиятини амалга ошириш учун Самарканд туманининг Охалик кишлоғи ҳудудидан Самарканд туман хокимлигининг 2004 йил 8 октябрдаги № 437 сонли қарорига асосан фермер хужалигига жами 165,9 Га ер майдони (сугориладиган ер майдони -52,8 гектар, лалми ерлар -14,5 гектар, узумзор – 70 гектар, пичанзор ва яйлов 19 гектар, бинолар остидаги ер 3,5 гектар, йулар 2,6 гектар, арик ва коллекторлар 3,3 гектар, бошка ерлар 0,2 гектар майдонни ташкил этади) 30 йил муддатга ажратилиб, Самарканд вилояти, Самарканд туман хокимлиги томонидан № 326 сон билан давлат руйхатидан утказилган. (Гувоҳнома рақами № 0000338). Мазкур фермер хужалигининг асосий фаолияти тамакичилик ва галла маҳсулотларини етиштириш ва сотишдан иборат.

Фермер хужалигининг таъсисчилари:

1. Самарканд вилояти, Самарканд тумани, Ангролмас маҳалласида истикомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси Субхонов Мустафо (Паспорт серияси: СЕ № 0969277, 21 декабрь 1995 йилда Самарканд вилояти, Самарканд туман ИИБ томонидан берилган)

2. Самарканд вилояти, Самарканд тумани, Ангролмас маҳалласида истикомат қилувчи 19.05.1963 йил тугилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Субхонов Даврон Мустафоевич (Паспорт серияси: СЕ № 0969277, 25 январь 1999 йилда Самарканд вилояти, Самарканд туман ИИБ томонидан берилган)

3. Самарканд вилояти, Самарканд тумани, Ангролмас маҳалласида истикомат қилувчи 12.08.1964 йил тугилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Салиева Сожида Алохонова (Паспорт серияси: СЕ № 1376231, 21 февраль 2000 йилда Самарканд вилояти, Самарканд туман ИИБ томонидан берилган)

4. Самарканд вилояти, Самарканд тумани, Ангролмас маҳалласида истикомат қилувчи 23.01.1962 йил тугилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Субханов Мардон Мустафоевич (Паспорт серияси: СЕ № 0428994, 15 ноябрь 1996 йилда Самарканд вилояти, Самарканд туман ИИБ томонидан берилган)

5. Самарканд вилояти, Самарканд тумани, Шурбойича маҳалласида истикомат қилувчи 04.07.1960 йил тугилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тураев Маъруфжон Амриевич (Паспорт серияси: СЕ № 2059100, 19 февраль 2005 йилда Самарканд вилояти, Самарканд туман ИИБ томонидан берилган)

Фермер хужалигининг устав фонди 200 000 000 сумдан иборат булиб, таъсисчилар уртасида тенг миқдорда тақсимланган.

Фермер хужалигининг муассиси ва раиси: Субхонов Даврон Мутафоевич

Асосий инвесторлар:

1. «» фермер хужалиги

2. ОАТБ «Микрокредитбанк»

Фермер хужалиги Самарканд вилояти, Самарканд тумани, Охалик ҚФЙ, Охалик кишлоғи ҳудудида фаолият юритади. Айнан янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш фаолияти ҳам шу ҳудуддаги фермер хужалигига ажратилган 30 йилга ижарага берилган (2005 йилда) тупрок бонитети 77 балл булган 165,9 гектар ерга жойлашади.

Фермер хужалигининг 2009 йил галла режаси 20,8 тонна булиб, ҳақиқатда 19,7 тонна, сабзавот етиштириш режаси 27 тонна булиб, ҳақиқатда 29,7 тонна қилиб бажарилди ва жами сотилган маҳсулот 13 817,3 минг сумни ташкил қилди. Шунингдек фермер хужалиги 2009 йилни 5 614 минг сумлик соф фойда билан яқунлаган. 2010 йил бошидан фермер хужалиги мустақил равишда ишлаб, мавжуд ернинг 70 гектари узумзор, 10 гектарига галла маҳсулоти, 15 гектар ерга пиёз маҳсулоти экилган. Ушбу ер майдонидан 700 тонна узум, 44 тонна бугдой, 75 тонна пиёз маҳсулоти етиштириб олиш назарда тутилган. Хужалик белгиланган барча режаларни ошиги билан бажариш учун ҳаракат қилмоқда.

Фермер хужалигида ҳозирги кунда муаммо булиб турган масала ҳосилдорликни янада ошириш, агротехник коидаларга риоя қилиш, уларни уз вақтида амалга ошириш лозимдир. Фермер хужалиги узига тегишли булган ернинг 70 гектарига узум маҳсулотини эккан. Ушбу узум маҳсулотини уз вақтида йигиб олиш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида фермер хужалиги бетон тиргаклар (шпалер) соиб олишни режалаштирилган. Бунинг натижасида фермер хужалигининг узум маҳсулотини йигиб олиш учун қилинадиган ҳаражатлар камайиб купрок даромад олиш назарда тутилган.

Кишлок хужалиги соҳасига булган эътибор ва кизикишни ҳисобга олиб хужалик томонидан бир йил мобайнида 130 000 000 сумлик хусусий инвестицияни узлаштиришни уз олдига мақсад қилиб қуяди.

Жадвал № 1. Фермер хужалигининг 2008-2009 йиллар баланс курсаткичлари. (минг сум)

АКТИВЛАР		2008 йил	2009 йил
1	Узок муддатли активлар	20270,6	22546,6
2	Жорий активлар	64262,9	63927,8
ЖАМИ		84533,5	86474,4
ПАССИВЛАР		2008 йил	2009 йил
1	Уз маблаглари манбаалари	82480,4	85480,4
2	Узок муддатли мажбуриятлар	1154,3	0
3	Жорий мажбуриятлар	1898,8	994
ЖАМИ		85533,5	86474,4

Жадвал № 2. Фермер хужалигининг 2008-2009 йиллар молиявий курсаткичлари.

№	Курсаткич номи	2008 йил	2009 йил
1	Махсулотларни сотишдан соф тушум	34845,8	29009,7
2	Сотилган махсулот таннари	27441,9	25394,4
3	Махсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	7403,9	3615,3
4	Давр харажатлари	1838,9	3254,6
5	Асосий фаолиятнинг фойдаси	5565	360,7
6	Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	0	0
7	Молиявий харажатлар	0	0
8	Молиявий фаолиятнинг бошка харажатлари	0	0
9	Даромад солиги тулагангунга қадар фойда	5565	360,7
10	Солик туловлари	0	0
11	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	5565	360,7

Жадвал № 3. Фермер хужалигининг 2009 йилда бюджетга туловлари.

№	Курсаткичлар номи	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича	Ҳисобот даври ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тулангани
1	Юридик шахслардан олинadиган даромад солиги	272,9	0
2	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиги	272,9	0
3	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар	22,7	22,3
12	Ягона ер солиги	4065,8	5031,5
15	Республика йул жамғармасига мажбурий туловлар	435,1	346,8
16	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий туловлар	915,5	1311,7
17	Мактаб таълими жамғармасига мажбурий туловлар	290,1	198,9
Жами бюджет туловлар суммаси		5979,4	6911,2

Озик – овқат саноатининг ривожланиш тенденцияларини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июльдаги № ПФ – 670 сон «Банкларнинг капитализациясини ошириш ва уларнинг инвестицион жараёнларда ва иқтисодни модернизациялашдаги

иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тугрисида»ги фармони, ҳукуматнинг 2009 йилда кишлоқда ишлаб чиқариш ва кичик саноат корхоналарини ривожлантириш буйича чиқарган турли қонун ҳужжатлари, шунингдек ҳудуднинг бой имкониятлари ва паррандачиликни ривожлантириш учун мавжуд қулай шарт – шароитларни ҳисобга олиб, «» фермер хужалиги фермер хужалиги раҳбарияти томонидан Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида узум маҳсулотларини етиштиришга мулжалланган ферма қуриш режалаштирилмоқда. Бу билан хужалик раҳбарияти фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, Самарқанд вилоят аҳолисини ва Республиканинг бошқа ҳудудларини тухум ва мева-сабзавот маҳсулоти билан таъминлаш, янги иш уринларини яратиш, тумандаги ижтимоий – иқтисодий вазиятни яхшилашга уз ҳиссасини қушиш, истеъмол товарлари нархининг тушишига ва паррандачиликка, мева-сабзавот тайёрловга ихтисослашган бошқа корхоналар маҳсулотлари билан рақобатга дош бера оладиган маҳсулот етиштиришни уз олдига мақсад қилиб банк кредитини узлаштиришга қарор қилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНГ ТАВСИФИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ШАРҲИ

Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этувчи бўлиб, савдо фаолиятидан алоҳида тарзда олиб борилади.

МЕВА-САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ

Қунлар исиши билан бог-роғларда иш авжига олади. Богбонларимиз қумилган тоқларни очиш, дарахтларга шакл бериш, дарахтлар танасини оклаш каби юмушларни бажаришга киришади. Агротехника тадбирларини уз вақтида ва сифатли утқизиш мевалар сероб бўлишининг муҳим шартидир. Бу жараён мева – сабзавот ишлаб чиқариш жараёнини илк ва дастлабки босқичи ҳисобланади. Аммо бу соҳанинг узига ҳос ва узига мос илмий асослари, қилинадиган ишлари ва тоқи улар қайта ишлаш корхоналарига етказилгунга қадар бўлган даврда амалга ошириладиган қатор тадбирлар мавжуд.

Эрта баҳорда экин қатор оралари юмшатилади ҳамда бу иш ҳар бир сугоришдан кейин такрорланиши мақсадга мувофиқ. Бунда ерга ишлов берувчи МПВ—1 машина, КЗУ—03 қультиваторидан фойдаланилади. Дарахт танаси атрофларига ишлов бериш ФА—76 механик фрезеда амалга оширилади.

Баҳор—ёз ойларида қатор оралари тупрогининг сув-ҳаво тартиботини яхшилаш ва бегона утларни йўқотиш учун 10—12 см чуқурликда юмшатиб туриш зарур.

Ҳосилга қирган богларга 2—3 йилда бир маротаба октябрь—ноябрь ойларида ёки эрта баҳорда фосфор ва калий угитини гектарига Р180 К90 кг миқдорда солиб, 45—50 см чуқурликда ағдармасдан ҳайдаб юмшатиш керак.

Тупрок ости шагалли ерларда угитлар миқдори 50% қупайтирилади, азот уч маротаба: баҳорда, июнь ва июль ойларида солинади.

Микроугитлар тупрокка асосий угитлар билан биргаликда баҳорда гектарига таъсир этувчи модда ҳисобида: руҳли микроугитларни 3 йилда бир маротаба 3, марганецни 2 йилда бир маротаба 5, борли микроугитларни ҳар йили 1,5—2 кг. дан солиш мақсадга мувофиқ.

Комплекс минерал угитлар (аммофос, нитрофос ва бошқалар) оддий угитларга нисбатан бир қатор агрохимёвий иқтисодий афзалликларга эга.

Озуқа элементлари буйича уларнинг солиш миқдори оддий угитлар учун тавсия этилган солиш миқдори билан бир хил. Шунинг учун озика элементлари тарқибини баландлаштириш учун комплекс ва оддий угитлардан биргаликда фойдаланиш керак.

Масалан, сугориладиган ҳосилдор тоқзорларда ҳар йили баҳорда тоқлар очилгандан кейин гектарига 225 кг аммофос билан бирга 225 кг аммиакли селитра ва 250 кг калий тузлари ёки 455 кг нитрофос ҳисобида минерал угитлар солинади.

Данакли мевали дарахтларда мустақкам шохлар шаклланиши, усиши ва ҳосил беришини тартибга солиш, ҳосилдорлик ва мева сифатини яхшилаш учун буташ зарур. Ҳар бир данакли мевали дарахтга турига қараб узига ҳос шакл берилади.

Данакли мевали дарахтлар қупинча бир ёшида ҳосилга қиради, эскирок шохларда шаклланган ҳосил новдалари эса уруглиларга нисбатан унча қуп яшамайди, оқибатда шохлар ичи тезда пуқакка

айланади. Бунга йул куймаслик учун буташ оркали хар йили куплаб бир йиллик новдалар ушиб чикиши ва уларни шохлар орасига тугри жойлаштириб, хосил беришига эришиш зарур.

Токзорларни куртаклари буртмасдан олдин очиш зарур. Ёш тоklar дастлабки йилда бахорда кесилади.

Занг ва хосил олиш учун колдирилган новдалар туплар очилиши билан симбагазларга боғланади. Бу иш куртаклар буртгунча тугалланиши керак. Туплар катор орасига ишлов беришда машинанинг бемалол утиши учун енглари биринчи сим сатхигача кутариладики, бунда хосил берувчи ва кук новдалар ишга халакит бермасин.

Агар тоқзорга кузда ишлов берилмаган булса, бахорда тоқларни механизация усулида чала очиш билан биргаликда ер хайдалади. Тоқлар очилгандан кейин катор ораларидаги тупрокни текислаш учун культивация килинади ёки боронланади.

Бахор-ёз давомида юмшок катлам хосил килиш ва бегона утларни йукотиш учун НЮ—18 плуги урнатилган мослама билан тоқ тупи атрофига ишлов берилади.

Лалми тоқзорларда тупрок бахорда чуқур юмшатилади ва кейин вегетация давомида 18—20 см чуқурликда юмшатиб туриш яхши самара беради. Бахорги ёмғирлардан, шунингдек хар бир сугоришдан кейин тупрокнинг етилишига караб намни саклаб қолиш максатида тоқ катор ораларини уз вақтида юмшатиш зарур.

Уругли мевали боғларга зараркундалардан калифорния ва бинафша ранг калкондорлар, олма курти, гилофли ва гирдак куялари, мева куяси, нок шира бургаси, мева каналари, бир канча шира турлари ва тоголди-тоғ минтакаларда калмараз (парша), ун шудринг касалликлари зиён еткази. Кейинги йилларда монилиоз касаллиги хам кенг тарқалмоқда.

Бу зараркундаларга қарши олма, нок ва беҳи дарахтлари куртак ёзгунига қадар 5 фоизли №30 препараты (40—100 кг/га) пуркалади. Унинг урнига золон (фозолон) ёки карбофос препаратларининг 0,5 фоизлигини кулласса хам булади.

Данитол, Фуфанон препараты (1,5—3 кг/га) хам самаралидир. Нок шира бургасига қарши нокзорлар гуллаш арафасида шу препаратылар билан тақрор дориланади.

Олма ва нокнинг парша, беҳининг монилиоз касалликларининг юкумини йукотишда дарахтлар атрофини ағдариб чопиш самарали тадбир хисобланади. Шу даврда бордо суюқлигининг 3 фоизлиги (100 л сувга 3 кг мисс купороси+3 кг сундирилмаган оххак) сепилади. Унинг урнига темир купороси (100 л сувга 2—3 кг) ёки мис купороси (100 л сувга 0,5— 1 кг) ни хам сепиш мумкин.

Беҳи ва бошка турдаги зарарланган мева дарахтларида монилиозга қарши куртаклар буртиш арафасида дарахтларни 3—4 фоизли бордо суюқлиги билан жикка хуллаб ювиш зарур. Бунда 5 градусли охак+олтингугурт қайнатмаси (ИСО) ёки 2—3 фоизли темир купороси ёки 1 фоизли мис купоросини кулласса хам булади.

Урик, шафтоли ва олхури дарахтларининг клястероспориоз, барг бужмалоклиги касалликларига қарши гул куртаклари бурта бошлаган даврда 3 фоизли бордо суюқлиги пуркалади. Гулдан чиккач 1 фоизли бордо суюқлиги 1—2 марта сепилади.

Тоқзорларда догли антракноз, оидиум (кул), бактериал рак касалликларининг олдини олиш учун куртаклар буртгунга қадар 3—4 фоизли бордо суюқлиги пуркагани маъкул. Утган мавсумда оидиум (кул) касаллиги кенг тарқалган тоқзорларда охак+олтингугурт қайнатмасининг 3—5 градуслигини кулласса хам яхши самара беради.

Марказий минтакада жойлашган вилоятлардаги сабзавотчилик фермер хужаликларида пиёз, сабзи, редиска, картошканинг эртаги навлари хамда кукат сабзавотлар (укроп, кашнич, петрушка ва х.к.) уруғларини 10 мартгача экиш мумкин.

Айтиш жоизки, эртаги сабзавотларнинг бир қисмини плёнка остида парваришланса, хосилни оддий усулга нисбатан 15—20 кун барвақт йигиб олиш имкони яратилади.

Асосий экинлардан бири — помидор уруғларини далага тугридан-тугри март ойининг иккинчи ярмида экиш мумкин. Бунда уруғ экилган уялар усти кипик ёки чиринди билан мульчаланса, ниҳол тез униб, яхши ривожланади. Экиш схемаси 70x30 ёки 90x25 см.

Маида уругли сабзавотлардан пиёз, сабзи хамда кукат сабзавотлар уруғларини СОН-2,8 русумли сеялка ёрдамида лента шаклида, куш каторлаб (50+20 см ораликда) ёки кулда сочма усулда экиш хам мумкин. Бу экинлар уругини эккандан сунг эгатлар усти кетма-кет чириган гунг ёки ёгоч кипиги билан мульчаланса, тез кунда ва тулик униб чикиши учун кулай шароит (тупрокни киздиради ва намликни саклайди) яратилади. Бундан ташқари хосилнинг пишиш муддати тезлашади.

Эртаги муддатда экиш учун пиёзнинг Истикбол, Зафар, Испан—313, Коратол, Маргилон узунчок ва сабзининг Мшак—195, Нурли, Зийнатли, Барвка, Нантская каби навлари тавсия килинади.

Эртаги картошка экишнинг мақбул муддати: Сурхондарё ва Кашқадарёда 1 мартгача; Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Фаргона водийси вилоятларида 10 мартгача; Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилоятида 20 мартгача. Бунда эртапишар Агаве, Санте, Гранола, Зарафшон, Ред Скарлет, урта эртапишар Альвара, Аринда, Белуга, Виктория, Драга, Кондор, Карлена, Латона, Марфона, Пикассо ва бошқа навларнинг ундирилган (яровизация қилинган) туганакларни экиш керак. Ундирилган туганакларни экиш ундирилмаган туганакларга нисбатан ҳосилдорликни 12—15% ошириб, 10—15 кун олдин пишишига имкон беради.

Махаллий картошка туганакларини ундиришга экишдан 30—35 кун, хориждан келтирилган уругликларни эса 20—25 кун аввал куйиш зарур. Ундириш хонасида ёруглик ва харорат 18—220С атрофида булиши мақсадга мувофиқ.

Уругликларни майда-йириклигига қараб (40—60, 60—80, 80—100 га) саралаб, хонанинг полида, сукчакларда ёки 20—25 кг. ли яшиқларда ундириш мумкин. Уруглик сажалкада экилса, уларнинг нишлари 0,5—1 см. дан ошмаслиги зарур.

Картошка бузилган бедапоя урнига ёки утган йили қарам, сабзи, пиёз, айникса полиз экинларидан бушаган майдонларга экилса мул ва сифатли ҳосил етиштиришга замин яратилади, бозорларимиз янада тукин-сочин булади.

Серкуёш диёримиз минтакаларининг тупрок-иклими бир-биридан кескин фарк қилади, шу боис ҳар ҳудуднинг уз машҳур экини мавжуд. Масалан, қовуннинг «Гурвак» нави фақат Хоразм воҳаси шароитида энг мазали ва юкори ҳосил берса, Зарафшон водийси заминида етиштирилган «Бури қалла»ни есангиз таъми ута тотли эканлигини туясиз. Қукон анжирларининг мазаси бошқа ҳудудларда етиштирилган анжирлардан тамоман узгача.

Бундай шароитда боғ ва тоқзорларни озиклантириш, суғориш ва ҳосилни зарарқунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш тадбирларини кучайтириш зарур. Айни кунларда боғ-роғлар қатор ораларини культивация қилиш, дарахт атрофини юмшатиш, илдиз бачкиларини қирқиб ташлаш, янги боғларни эса суғориш талаб этилади. Суғорилгандан кейин қатор оралари 10—12 см чуқурликда юмшатилиши мақсадга мувофиқ.

Тупроқни юмшатиш билан бир қаторда ҳосилли боғлар фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилади. Бунда асосий ўғитлар меъёрининг 50 фоизи, яъни ҳар 1 гектарга 125 кг аммофос, 65—70 кг фосфорли ва 40 кг калийли ўғитлар солингани маъқул.

Ёш тоқлар икки марта суғорилиб, қатор оралари юмшатилади. Бачки новдалардан қайта тикланган тоқ тупларига шакл берилади. Совуқ урмаган новдаларни симбағазга боғлаб, ғовлаган, ортиқча ва бачки новдалар кесиб ташланади. Новдалар бир текис ривожланиши учун симбағазларга горизонтал ёки сал қия қилиб боғланиши лозим.

Занглар йўғонлашганда боғичлар узилиб кетмаслиги ва новдалар симга ишқаланмаслиги учун улар пишиқ бўлишига эътиборни қаратиш керак. Бунинг учун боғич симбағазларга 8 рақами шаклида боғланиши мақсадга мувофиқ. Новдалар 50—60 см узунликка етганда биринчи хомток ўтказилади. Кўк новданинг ўсиш кучи ва жойлашишига қараб иккинчи, учинчи ёки тўртинчи симга боғланади.

Токда тўпгуллар пайдо бўлиши билан хомток қилинади. Новдада тўпгул ўрнида жингалакларнинг борлиги унинг ҳосил қилмаслигидан далолат беради. Бундай новдаларни эрта хомток қилиш қўшимча, яъни келгусида ҳосил қиладиган новдаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Хомтоқни эрта гуллайдиган навли майдонлардан бошлаш зарур.

Токнинг кўп йиллик зангларидан ўсиб чиққан бачки новдалари биринчи навбатда олиб ташланади. Бунда токни шакллантириш ва зангнинг ўрнини босиш учун керакли бачки новдалар қолдирилади. Агар токда зарарланиш ёки бошқа сабабларга кўра новда кам бўлса, бачки новдаларнинг бир қисми озикланиш юзасини ошириш учун қолдирилади.

Ҳар бир нав учун тупдаги ҳосилдор ва ҳосил қилмайдиган новдалар нисбати олинадиган ҳосил ва новданинг ўсиш кучи, шунингдек экологик ва агротехник шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Масалан, суғориладиган ерлардаги кишмишбоп навларда ҳар иккита ҳосилдор новдага бир-иккита ҳосилсиз новда қолдириш керак. Лалми тоқзорлар қиш-баҳор давридаги ёғингарчиликни ҳисобга олган ҳолда хомток қилинади. Бир вақтнинг ўзида олинадиган ҳосил миқдори нормаллаштирилади ва ҳар бир ҳосилдор новдага битта ҳосил қилмайдиган новда қолдирилади. Ўғингарчилик кам бўлган йилларда токнинг жуда кучсизланиб кетиши олдини олиш мақсадида тўпгулли новдаларнинг учдан бир қисмини олиб ташлаш керак.

Ҳосилли узумзорларда ҳам фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантиришда асосий меъёрнинг ярмидан кўпроғи берилади: аммофос 125 кг бўлса, фосфорли ўғитлар кўпроқ, яъни 90 кг, калийли ўғитлар 40—50 кг. Фосфор ва калийли ўғитлар нисбатан кўпроқ берилиши ток новдаларини тўлиқ етилишига, касалликларга чидамлилигини оширишга ва мавсум охирида новдалар пишиб янаги йил ҳосилига пухта замин яратилади.

Боғ ва токзордан мўл ҳосил етиштиришда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Бунда ҳар бир гектар боғ ва токзорларга суғориш билан бирга 5–6 тонна гўнг эритилиб оқизилади.

Боғ-роғларни турли касаллик ва зараркундалардан асраш тадбирларини ўтказишга катта эътибор бериш зарур. Май ойида олма қурти, барг ширалари, нокнинг шира бургаси (медяница) ва тоғолди-тоғ минтақаларида калмараз (парша), монилиал куйиш касалликлари ривожлана бошлайди.

Республикамизнинг шимолий минтақалари тоғ ва тоғолди шароитларида апрелнинг учинчи ўн кунлиги ва май ойининг бошларида олма қурти ва нок шира бургасига қарши олма дарахти гулдан чиқиши билан дарҳол белгиланган препаратларни пуркаш ишларини амалга ошириш зарур. Чунончи ҳосилли олма ва нок боғларида куйидаги препаратлардан бири қўлланилади: Карбофос ёки Бензофсофат (Золон) (100 л сувга 200–300 г ҳисобида). Данитол 100 л сувга 100 г ёки Децис ва Суми-альфа 50 г ёки Каратэ, Циракс 30–40 г ёки Фуфанон 100 г ёки Талстар кимёвий воситаларини 40 г ҳисобида қўлласа ҳам бўлади. Парша касаллиги кўпайиш хавфи бор жойлардаги олма ва нок дарахтларига 1% ли Бордо суюқлиги пуркалгани маъқул. Бунда Вектра ёки Топсин-М (100 л сувга 30–100 г) ёки Сапроль (100 л сувга 100 г) ҳам яхши самара беради.

Ўрик, шафтоли ва олхўри гулдан чиққач, клястероспориоз, барг бужмайиши, ун шудринг касалликларига қарши Бордо суюқлигининг 1 %ли эритмаси билан ҳафта—ўн кун оралатиб 1–2 марта пуркалади.

Кул (оидиум) касаллигининг олдини олиш мақсадида токзорларда гуллагунга қадар 1–2 марта туйилган олтингугурт чанглатилади (1 гектарга 20–25 кг). Бу даврда Топаз 100 л сувга 50 г ёки Вектра 30 г солиниб пуркалса ҳам бўлади.

Май ойининг иккинчи ярмида олма қурти ва нок шира бургасига қарши пуркаш ишлари такрорланади. Бунда юқорида таъкидланган препаратлар қўлланилади. Беҳизорларда монилиоз касаллигига қарши 1% ли Бордо суюқлиги билан ҳар 8–10 кунда пуркаш такрорланади. Бунда Вектра ва Топсин препаратларини ҳам қўллаш яхши самара беради.

Соҳибкорларимиз бу тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишса, боғ-роғларимиз турли касаллик ва зараркундаларга учрамай мўл ҳосил тўплаб, боғларнинг ҳар гектаридан 70–100 минг, токзорлардан эса 100–120 минг сўмдан ошириб соф фойда олишлари мумкин.

Боғбону соҳибкорларимиз боғ-роғлардан мўл ва сифатли ҳосил олишлари учун барча агротадбирларни ўз вақтида ва маромига етказиб бажаришлари зарур. Бунда куйидаги агротехника тадбирларига эътибор қаратишни тавсия этамиз. Баҳор ва ёз ойларида боғ қатор оралари тупроғининг сув-ҳаво тартиботини яхшилаш ва бегона ўтларни йўқотиш учун 10–12 см чуқурликда ФА-76 фреза билан юмшатилади.

Ҳосилга кирган боғларда ерни 2–3 йилда бир маротаба куз ойларида ёки эрта баҳорда фосфор ва калий ўғитларини гектарига P180 K90 кг солиб, 45–50 см чуқурликда ағдармасдан ҳайдаб юмшатиш керак. Тупроқ ости шағалликдан иборат бўлган майдонларда ўғитлар миқдори 50% кўпайтирилади, азотли ўғитлар уч маротаба: баҳорда, июнь ва июль ойларида солинади.

Боғбонларимиз имкони бўлса микроўғитларни тупроққа асосий ўғитлар билан биргаликда баҳорда гектарига таъсир этувчи модда ҳисобида: рухли микроўғитлар 3 йилда бир маротаба 3 кг, марганецли 2 йилда бир маротаба 5 кг, борли микроўғитларни ҳар йили 1,5–2 кг. дан солишлари мақсадга мувофиқ.

Комплекс минерал ўғитлар (аммофос, нитрофос ва бошқалар) оддий ўғитларга нисбатан бир қатор агрокимёвий, иқтисодий афзалликларга эга. Масалан, суғориладиган ҳосилдор токзорларда ҳар йили баҳорда тоқлар очилгандан кейин гектарига 225 кг аммофос билан бирга 225 кг аммиакли селитра ва 250 кг калий ўғитлари ёки 455 кг нитрофос ҳисобида минерал ўғитлар солинади.

Мустаҳкам шохлар шаклланиши, ўсиши ва ҳосил беришини тартибга солиш, ҳосилдорлик ва мева сифатини яхшилаш учун уруғли ҳамда данакли мева дарахтларини буташ зарур. Ҳар бир дарахт турига ўзига хос шакл бериш ва буташ талаб қилинади.

Данакли мева дарахтлари кўпинча бир ёшли шохларида мева тугади. Шунинг учун шохлар буталганда бир йиллик новдалар сони кўпаяди ва агар у ёруғда жойлашган бўлса, мева шаклланишига кўмаклашади.

Токзорларда баҳор ойида куртақлар бўртмасдан олдин туплар очилади. Дастлабки йилда ёш тоқлар баҳорда кесилади.

Занг ва ҳосил олиш учун қолдирилган новдалар туплар очилиши билан симбағазларга боғланади. Бу иш куртақлар бўртгунча тугалланиши керак. Туплар қатор орасига ишлов беришда машинанинг бемалол ўтиши учун занглар биринчи сим сатҳигача кўтариладики, бунда ҳосил берувчи ва кўк новдалар ривожига ҳалақит бермаслиги зарур.

Токнинг меъёрида ўсиши ва ҳосил бериши учун тупроққа баҳор, ёз ва кузда ишлов бериш зарур (сув-ҳаво режимини яхшилаш, бегона ўтларни йўқотиш ва тоқларни кишки совуқлардан ҳимоялаш учун). Тупроққа кузда 25—30 см чуқурликда ишлов бериш кўп миқдорда нам тўпланиши, бегона ўтларнинг йўқолишига ёрдам беради.

Агар тоқзорга кузда ишлов берилмаган бўлса, баҳорда тоқларни механизация усулида ярим очиш билан бир вақтда ер ҳайдалади. Тоқлар очилгандан кейин қатор ораларидаги тупроқни текислаш учун культивация қилинади ёки бороналанади.

Баҳор-ёз давомида юмшоқ қатлам ҳосил қилиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун НЮ-18 плуги ўрнатилган мослама билан тоқ тупи атрофидаги тупроққа ишлов берилади.

Лалми тоқзорларда тупроқ баҳорда чуқур юмшатилади ва вегетация давомида 18—20 см чуқурликда юмшатиб турилади. Токни парваришлаш ишлари МПВ, НЮ-18, УОМ-50, пневматик тоқ очгичлар ёрдамида бажарилади.

Баҳорги ёмғирлардан, шунингдек ҳар бир ўсиш даврида суғоришдан кейин тупроқнинг етилишига қараб намни сақлаб қолиш мақсадида қатор ораларини ўз вақтида ва юқори агротехника даражада юмшатиш зарур.

Кўчатларни баҳорда куртақлар ёзилмасдан ўтқазиш мақсадга мувофиқ. Илдизлар ўтқазиш вақтида ва экилгандан кейин суғоришгача қуриб қолмаслиги учун улар янги гўнг ва лой аралашмасидан тайёрланган суюқликка ботириб олинади.

Тоқ кўчатларини ўтқазишдан олдин уч қисмида ўсган илдизлар қиркилади. Паст томондаги илдизлар бир оз қисқартирилади. Новдада 1—2, 2—3 та кўзча қолдириб ортиқчаси кесиб ташланади.

Мева кўчатлари ҳам экиб бўлингандан кейин ер устки қисми новдалари учдан бир қисми қолдирилиб, кесиб ташланади, бунда ўртада ўсган етакчи новда бир қарич узунроқ қолдирилади.

2009—2010 йил киши мавсуми нисбатан илиқ келди. Бу кишлоғчи зараркунанда ва касалликлар захираларининг кўп миқдорда сақланиб қолишига имкон яратди. Шу боис боғ ва тоқзорларда ҳимоя тадбирларини ниҳоятда пухта олиб боришимиз зарур.

Калифорния, гунафша ранг қалқондорлар, нок шира бургаси, каналар ва бошқа зараркунандаларнинг захираларига қарши олма, нок ва беҳизорларда эрта баҳорда дарахтлар куртақ ёзгунга қадар 5%ли (1 гектарга сарфи 40—100 кг) №30 препарати пуркалади. Шунингдек, Золон (Фозолон) ёки Карбофос препаратларини 0,5%лигини қўлласса ҳам бўлади.

Данитол, Фуфанон препаратлари (1 гектарга сарфи 1,5—3 кг) ҳам самаралидир. Нок шира бургасига қарши нокзорлар гуллаш арафасида шу препаратлар билан такрор дориланади.

Олма ва нокнинг парша, беҳининг монилиоиз касалликларига қарши эрта баҳорда касаллик юқумини йўқотиш мақсадида тўкилган барглар дарахт атрофини ағдариб чопилади. Шу даврда Бордо суюқлигининг 3% ли (100 л сувга 3 кг мис купороси+3 кг сўндирилмаган оҳақ) эритмаси сепилади. Шунингдек, темир купороси (100 л сувга 2—3 кг) ёки мис купороси (100 л сувга 0,5—1 кг) сепилади.

Беҳи ва бошқа турдаги зарарланган мева дарахтларида монилиоизга қарши куртақлар бўртиш арафасида дарахтларни 3—4% ли Бордо суюқлиги билан жикка хўллаб ювиш зарур. 5 градусли оҳақ-олтингугурт қайнатмаси (ИСО) ёки 2—3% ли темир купороси ёки 1% мис купоросини қўлласса ҳам бўлади.

Ўрик, шафтоли ва олхўри дарахтларини клястероспориоз, барг бужмалоқлиги касалликларига қарши гул куртақлари бўрта бошлаган даврда 3% ли Бордо суюқлиги пуркалади. Гулдан чиққач 1% ли Бордо суюқлиги 1—2 марта сепилади. Данакли мева дарахтларининг танаси оқланади.

Тоқзорларда доғли антракноз, оидиум (кул), бактериал рак касалликларининг олдини олиш учун куртақлар бўртгунга қадар 3—4% ли Бордо суюқлиги пуркагани маъқул. Ўтган мавсумда оидиум (кул) касаллиги кенг тарқалган тоқзорларда оҳақ-олтингугурт қайнатмасининг 3—5 градуслигини қўлласса ҳам яхши самара беради.

Етиштирилган ҳосилни уз вақтида йиғиштириб олиб, кишгача унинг бутлигини сақлаб, кишда эса юқори нархларда экспорт қилиб ва маҳаллий бозорни тулдириш эса «» сингари хужаликларнинг вазифасидир.

УЗУМЧИЛИК СОҲАСИГА ОИД

Каспий ва Қора денгиз соҳилида жойлашган, Кавказ, ўрта ва кичик Осиё - узумчилик ватани деб ҳисобланади. Дунё бўйича узумчиликни ривожланиши қуйидагидек:

узумчилик майдони	млн.т.қайта ишланган узум	
Испанияда	– 1,63;	5,34
Италияда	– 1,1;	10,0
Францияда	– 1,06;	9,15
Туркия	– 0,79;	3,74
АҚШ	– 0,35;	5,58

Югославия – 0,23; 5,58

Узумни исчеъмол қилишда Италия биринчи ўринда бўлиб йилига 1,5 млн.т. узумни исчеъмол қилишга сарфлайди, Турция эса – 0,8 млн.т., Греция – 300 тоннагача, Франция эса – 200 минг тонна. Еуропада етиштирилган узумни фақат 55%-и исчеъмол қилинади. Дунё бўйича одам бошига 1,5 -2 кг узум тўғри келади. Италия ва Болгарияда бу рақам 10-20–ни ташкил этади, Испаниа Венгрияда – 50-10кг, АҚШ – 1кг узум тўғри келади

Ўзбекистонда узум етиштириш ноҳияларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: шимолий ва жанубий ноҳиялари.

Шимолий ноҳиясига Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Хоразм вилоятлари қиради ва бу вилоятлар иқлими, етиштириладиган узум навлари сифатли енгил, нордон шароблар ишлаб чиқаришга мослашган.

Жанубий ноҳияларга Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари қиради. Иссиқ иқлим ва қандлилиги юқори миқдорли узум навлари маркали, юқори сифатли қувватланган, десерт шаробларни тайёрлашга имкон беради.

Ўзбекистонда хўраки, кишмишбоб ва шароббоб узум навлари етиштирилади.

Тошкент вилоятида. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи, Александрия мускати, Октябрский, Паркати етиштирилади.

Шароббоб навлардан: Пушти мускати, Кульжинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Қора майский, Хиндогны, Тарнов, Баёни ширей (Баян ширей), Морастель, Сояки.

Сирдарё вилоятида. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Нимранг, Александрия мускати, Октябрский,

Шароббоб навлардан: Кульджинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Хиндогны, Баёни ширей(Баян ширей), Морастель.

Фарғона вилоятида. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Қора андижоний, Гўзал қора, Пушти тоифа, Нимранг.

Шароббоб навлардан: Кульджинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Тарнов, Баёни ширей (Баян ширей).

Наманган вилоятида. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Пушти тоифи, Нимранг, Қора андижоний.

Шароббоб навлардан: Пушти мускати, Кульжинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Баёни ширей (Баян ширей).

Андижон вилояти. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора андижоний, Нимранг, Пушти тоифи.

Шароббоб навлардан: Пушти мускати, Кульжинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Баёни ширей(Баян ширей).

Самарқанд вилояти. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи,

Шароббоб навлардан: Пушти мускати, Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Тарнов, Баёни ширей (Баян ширей).

Бухоро вилояти. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Катта кургон, Султоний, Нимранг, Пушти тоифи, Хушрав кишмиши.

Шароббоб навлардан: Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Баёни ширей (Баян ширей).

Жиззах вилояти. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи, Октябрский.

Шароббоб навлардан: Кульжинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Хиндогны, Баёни ширей (Баян ширей), Морастель.

Қашқадарё вилояти. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Александрия мускати, Пушти тоифи.

Шароббоб навлардан: Пушти мускати, Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Баёни ширей (Баян ширей).

Сурхондарё вилояти. **Хўраки навлардан:** Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи, Катта кургон, Султоний, Октябрский.

Шароббоб навлардан: Пушти мускати, Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей).

Хоразм вилояти. Хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Қизил хурмойи, Нимранг, Александрия мускати, Пушти тоифи.

Шароббоб навлардан: Кульжинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Алеатико, Тавквери, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей).

Қорқалпоғистон республикаси. Хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Қизил хурмойи, Нимранг, Пушти тоифи.

Шароббоб навлардан: Кульжинский, (Гўлжа узуми) Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей).

Узум шаробчиликни якаю ягона хом ашёсидир. Узумни шира микдори мева таркибидаги доначалар сонига боғлиқ масалан: Баян Ширей узум навида доначалар 4-6% ташкил қилса, қандлилиги 17-19% дан ошмайди. Кишмиш узум навида эса уруғи йўқ қандлилиги эса 24-26%-га тенг.

Узумни сақлаш йўллари

1) «На сухих гребнях» шингилни осиб қўйган холда. Бу усулни камчилиги узум резоларини «Тургор»-и йўқолади, ризолари тўкилади;

2) ўрада банди билан сақлаш «На зеленых гребнях» узум шохчаси билан қирқиб олинади ваунда сақланади. Ишлаб чиқаришда бу услуб яроқсиз деб топилган;

3) махсус омборларда паст хароратда сақлаш. Айрим узум навларини 15-45 кун, бошқаларини эса 8 ойгача сақлаш мумкин. Узоқ, муддат сақлашга Шабаш, Ташлы, Нимранг, Тайфи, Мускат навлари тавсия этилади. Суғорилмайдиган майдонда стиштирилган узумлар, шу билан бирга токни баланд ва ўрта қисмидаги шингиллар узоқ сақланади.

Касалланган, зарба еган, совуқ, урган узумлар умуман сақлашга ярамайди. Узумни куруқоб-хавода эрталаб ёки кечки пайт терилади. Сақлаш хоналари ва тара дезинфекциядан ўтади. Дезинфекцияловчи эритмалар: формалин ва SO₂ эритмаси, 5% CuSO₄.

Жахонда етиштирилган узумни 85%-и турли типдаги шароблар, коньяк, алкогольсиз ичимликлар, концентрат ва қуритилган махсулотлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Узум шингилни қаттиқ қисмларининг табиий кимё моддаларга бойлиги, шаробларнинг тиниклигини, турларини, ассортиментини кенгайтиришга имкон беради.

Узум осон қайта ишланади ва тайёр махсулотни сифатини, мазасини ва пархез хусусиятларини таъминлайди. Узум бирламчи қайта ишлаш корхоналарига шингил билан бирга автомашина ёки сават-яшиқларда келтирилади. Узумни техникавий хоссалари унинг шингилни, бандини, ва бошқа қисмларини тузилиши билан тасвирланади. Шингилни катта – кичиклиги, шакли, зичлиги узум навига хос бўлиб ташқи шароитга ҳам боғлиқдир. Узум шингилни шакли конуссимон, цилиндрсимон, қанотли, овал ва бошқа шаклларда, бўлиб шохчаларини сони билан ҳам ажралиб туради. Узум шингилни узунлиги 60-30мм ва энига 5- 190 мм бўлиб, тузилиш зичлиги узум донасини (ризо) катталигига, бандини характерловчи узунлигига, ва бошқа қатор кўрсаткичларга боғлиқдир. Узум навини характерловчи кўрсаткичларидан бири бу **шингил зичлиги**. Узум шингилни тузилишини ва технологик хусусиятларини таснифлаш учун иккита катталик таклиф этилган.

МОДУЛЬ КАТТАЛИГИ – шингил узунлигининг унинг ўрта диаметрига нисбати деб хисобланади.

Е – ЗИЧЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ – ризолар хажмининг шингилнинг умумий хажмига нисбати. Зичлик коэффицентининг сони узум навига боғлиқ бўлади. Бир шингилдаги узум ризоларини сони узум навининг тавсифлайдиган кўрсаткич бўлиб, гуллаш чангланиш ва экологик факторларга боғлиқдир. Узум ризоси-доначаси уруғ атрофидаги гўшти қоплаган юпқа, эгилувчан теричадан таркиб топган. Гўшти йирик хужайралардан иборат бўлиб ва ушбу хужайра шарбат билан тўлган бўлади.

Узум уруғлари гўшт билан билан қопланган. Теричаси яқинида турли бўёқ моддалар тўпланган бўлади, хужайраларда қанд, кислота, эфир мойлари жойлашади, лекин уларни тақсимланиши бирдек эмас. Масалан эфир мойлари гўштида, махсус халтачаларда тўпланиб тери яқинида йиғилади. Углеводлар эса гўшт хужайраларида тўпланиб ўз-ўзидан оқадиган суюқ қисми-шарбатда тўпланган. Анча пишиб ўтган узумларда шарбат қуюғлашиб, ёпишқоқ бўлиб қолганлиги сабабли прессдан чиққан шарбатни қандлилиги баландроқ бўлади.

Узум ризосидаги уруғлар билан қанд ва кислоталилик орасида боғлиқлик мавжуд. Уруғлар сони қўпайган сари шарбатнинг қандлилиги камаяди, кислоталилиги ошади. Уруғсиз кишмишбоб узум навларида шарбатнинг ширалиги энг юқори бўлади, кислоталилиги эса жудаям паст бўлади. Узум шингилни ривожланиш даврида унинг ризоси ҳам ривожланиб титрланадиган кислоталилик 35-

40г/дм³, фенол моддаларини тўпланишини синтез бўлишини кузатамиз. Узумни физиологик ўсиши ҳам интенсив кечади.

Узум мевасини етилиши 30-60 кун давом этади, физик ривожланиши тўхтаб, аста секин юмшаб бошлайди. Интенсив физиологик ўсиши натижасида қанд миқдори кўпайиб, кислоталар миқдори камайиб боради. Мева оғирлашиб, уруғлари етилиб боради. Шу даврда узум физиологик етукликга эга бўлади. Кейин технологик етуклик турли босқичларини босиб ўтади. Технологик етилиш даврида узум мевасидаги қанд ва кислоталар маълум нисбатда тўпланади ва турли типдаги шароблар тайёрланишини таъминлайди.

Меванинг ривожланиши тўхтагач «прюин» қатлами хосил бўлади, гўшти тиниб юмшаб, мева юзасига яқин пўст қатламларида навига хос эфир мойлари ва бўёқ моддалари йиғилади. Узум тўлик етилганида етилиш даврини охирида қанд, ароматик ва бўёқ моддаларини максимал энг кўп тўплаган давридир. Узум гуллагандан тўлик етишишигача 130 кун ўтади.

Клетчатка, бўёғ моддалар мева пустлоғида тўпланган бўлади. донча яқинида кам кислота, қанд, хид берувчи моддалар тўпланади ва асосан бу пектин, азот моддалар бўлади. Гўштининг ўртароғида асосан барча органик кислоталар, муаттарлик берувчи моддалар ва қандни асосий қисми йиғилади. Шу сабабдан узумни суви-шарбат (прессланмаган) углеволарга ва кислоталарга бой хушбуй хидли бўлади. Сиқиб пресдан олинган шарбатда эса қандлилиги оқим шарбатига нисбатан 8-10 % га кам, паст кислотали бўлиб азот, фенол, пектин ва бошқа экстрактив моддаларга бой бўлади.

Узумни таркиби микроорганизмларни ўсишига қулай, уларни ривожланишига шароит мавжуддир (бу уларнинг озукаси-қанд, кислоталар, юмшоқ иклим харорат 30-35°C.) Узумни юзасида доим хаводан ўтган турли ёввойи ва маданийлаштирилган ачиткилар бўлади ва узум қайта ишланганда шарбат билан намланиб шарбатни ўзига ўтади.

Узумни қайта ишлаш жараёнида (4 соат ичида) ачиткилар ўз фаолиятини ўзгача олиб боради. Замбуруғ ва бактериялар касалликка олиб келади бу оидиум ва мильдь касали. Бу касалликка дуч келган ризолар юзаси буришиб қуриб тўкилади. Моғол замбуруғлари-ризоларни устида кул ва қора рангли моғол хосил қилади.

Шарбатни кимёвий таркиби, узумнинг тузилишига хосилдорлигига, шаклига, таъмига, навига, иклимга, тупрок таркибига ва холига, саққлаш шароитига боғлиқдир. Кимёвий таркибига келганда 5-24% қанди 0,2-1,2 органик кислоталар, пектин, пўстлоғида минерал моддалар ионлари, қаротин, витамин В, С узум шарбатида топилган. Углеводлардан фруктоза глюкоза. Минерал моддалардан тузлар.

Мевани пишиб ўтган даври-бандини қотиб жигар ранга буялиши, япроқдан озика моддалар келиб тушиши билан тафсифланади. Бунда титрланадиган кислоталилик камайиб, сув буғланиб, шарбати қуюқлашиб, экстракт моддалари, нисбат миқдори ошиб, қанд миқдори эса 30-40 г/100 мл-гача этади. Узумни техник етуклигини кўрсаткичларидан асосийси қанд миқдори ва титрланадиган кислоталилик миқдори, шарбат мухитининг рН, бўёқ моддаларининг технологик миқдори ва бошқалар. Қабул қиланидиган узумга тайёрланадиган шароб турига қараб маълум талаблар қўйилади, масалан:

қанд миқдори %,	титрланадиган	кислоталилик%
коньяк хом шароби	16 ва ундан юқори	5-11
шампан хом шароби	17 8-10	
қувватли хом шароблар	18-24 5-8	
десерт хом шароблари	22 ва ундан юқори	5-7

Узум шингилни механик таркибини таснифлашда пўстлоғини, гўштини, уруғларини, бандини фойиз миқдори аниқланади. Асосий кўрсаткичларидан:

"Мева кўрсаткичи" - шингилни 100 г-даги ризонинг сони.

"Тузилиш кўрсаткичи"- шарбат вазнини шингилни қаттиқ қисмининг вазнига нисбатидир.

Бу кўрсаткич узумни қайси турдаги махсулотни ишлаб чиқариш технологик йуналишини аниқлайди. Масалан, тузилиш кўрсаткичи қанча катта бўлса, демак бу узумни шарбати кўп бўлиб, қаттиқ қисмларнинг оғирлиги кам бўлса, бу узум нави шароббоб деб топилган ва шароб ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Агарда, қаттиқ қисми кўп бўлса, бу навдаги узум қиёмга, мураббога ишлатилса яхши натижала беради. Узум банди ўрта хисобдан 3-7%, гўшт билан шарбати 75-85%, уруғи 3-6%, пўстлоғи 15-20%-ни ташкил қилади.

Далалардан терилган узум 4 соат ичида корхонага етказилиши ва қайта ишланиши керак. Узиш пайтида узум навларга ажратилади, чунки шароб ишлаб чиқариш корхоналарида навли-«сортовой» шароб тайёрлашда, рангли ва оқ шароб тайёрлашда узум навларга кўра алохида бункерга қабул қилинади. Узумни дегустациядан ўтказиш шарт. Масалан шаробчиликда ишлатиладиган узум навларини пўстлоғи қалинрок, купол, тахир, гўшtidан ажралиб турган, гўшти серсув бўлади. Хўраки

узумлари эса юбка пўстли, майин, пўстидан гўшти тез ажаралмайдиган, шираси баланд ва кислоталилиги сезилмайди. Виночиликда узумни етилиш даври иккитага ажратилган:

1. Физиологик етуклик - ёки тўлиқ етилиши;
2. Технологик етуклик - ишлаб чиқаришга яроқли етилиш ҳолати.

У ёки бу типдаги шарбатни тайёрлаш учун узумга қўйилган талабга жавоб берувчи узумнинг етилиш ҳолатига техникавий етилиш дейилади.

Узумни қанд ва кислоталар миқдори барқарорлигини сақлаб турган ҳолат "физиологик етилиш" дейилади. Узумни узиш вақти /асосан эрталаб, ҳаво ҳарорати баланд бўлса ачиб кетади, паст бўлса, ачиши қийинлашади/ унинг технологик етилиши билан аниқланади.

Ишлаб чиқаришда қайта ишлашга узум асосан авто прицеп, махсус автомашиналарида ящиксиз, саватсиз олиб келинади. Узумни қайта ишлашга олиб келишда уни фақат икки маротаба ағдаришга /тўқишга/ рухсат берилган. Йиғимчилар саватда транспорт сифинига ва ундан қабул бункерига топширадилар. Қуёш, ёмғир ва чангдан узумни сақлаш мақсадида сифин юзаси полиэтилен билан ёпилади. Узум узилган куни заводларга келтирилиб, шу кунни ўзида қайта ишланиши керак. Узум махсус контейнерларда КВА, КВС ва трактор прицепада ТВП-25 заводга жўнатилади, Корхона майдонига киришда ўрнатилган автотарозида узум тортилади. Тортишдан олдин узумни касаллангани, янчилган даражасини ва навнинг тозаллиги текширилади. Лаборатория ходими ўртача намуна олиб, узумнинг таркибидаги қанд миқдори, титрланадиган кислоталилик миқдори, тасдиқланган усуллар билан аниқланади. Қандлилиги паст, лад еган узум кўп бўлса узумни нархи пасайди. Қайта ишланадиган узумни қабул қилиб бункер-питателга тўкилади, ундан тенг миқдорда бир текисликда янчишга узатилади. Бир вақтни ўзида бир неча узум нави қайта ишлашга қабул қилинса, улар навига қараб алоҳида бункер-питателга йиғилади. Бункер сифимида узум 30 дақиқадан кўп бўлмаслигини ҳисобга олиш лозим.

Фермер хужалиги уз тасарруфидаги мавжуд узумзорни такомиллаштириш, агротехника ҳолатини яхшилаш натижасида сифатли узум маҳсулотларини етиштириш ҳисобига қушимча даромад олишни мулжалламоқда ва келгусида хорижий технологиялар асосида турли хил янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Дехкон хужалиги олинадиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида кишки даврда ерга тегишли ишлов бериш, йиғиштириб олиш ва алмашлаб экишни амалга ошириш мақсадида қайта экин сифатида галла маҳсулотини экишни мўлжалламоқда.

Жадвал № 1. Бажариладиган ишлар графиги

	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
Ерни тайёрлаш	Н	РК									Н	РК
Уругни экиш												
Угитлаш					Н	РК	Н					
Сугориш ва ишлов бериш												
Хосилни йиғиб олиш												

Шартли белгилар: Н-гунг, N-азотли угитлар, РК-фосфорли ва калийли угитлар

Узум экиладиган ерга куздан бошлаб 10 кг/м² ҳисобидан гунг, 150-200 г/м² ҳисобидан суперфосфат, 50 г/м² ҳисобидан калийли угит солиниб, яхшилаб чопиш керак. Баҳорда ер яна юмшатилиб, 80-90 см. кенгликда эгат солинади. Узум экилган майдонга қуёш яхши тушадиган бўлиши лозим.

Эртаги навлар 80x30 см. схемаси, уртаги ва кечки навлар 90x30 схемаси буйича экилади. Кучатлар экилгандан кейин кондирилиб сугорилади. Тупрок селгигандан кейин кучатлар чопик қилинади. Биринчи сугориш билан иккинчи сугоришнинг орасида 15-20 кун бўлиши керак.

Етиштириш давомида 4-5 марта чопилади, жуяклар доим юмшатилиб, бегона утлардан тозалаб турилади.

ИШЛАБ ЧИКАРИШ КУВВАТЛАРИ

Юкорид айтиб утилганидек ишлаб чикариш технологияси тизимли равишдада олиб борилади. Хозирда хужалик ихтиёрида булган технология махсулотларда брак махсулотлар келтирилиб чикарилиши 3 % дан ошмаслигини кафолатлайди. Махсулотларни кадоклаш ва транспортировка килиш жараёнида баъзи ходисаларда йукотишлар булиши мумкинлигини хисобга олиб йил давомида етиштирилган махсулотнинг 5 % и яроксиз деб топилиши мумкин.

Ундан ташкари махсулотлардаги узгариш ва куриш жараёни хисобидан ҳам йукотишлар булишини инобатга олиб, + 1% кушилади ва жами яроксизлик даражаси 6% хисобида олинади.

Кайта ишлаш ва тайёрлаш жараёни узлуксиз давом этувчи булиб, савдо фаолиятдан алохида тарзда олиб борилади.

5- Жадвал. Йиллик ишлаб чикариш куввати (инвестиция киритилгандан сунг)

100 % кувватда ишлаб чикариш						
№	Махсулот номи	Махсулотнинг йиллик ишлаб чикариш хажми			Бир бирлик махсулот нархи	
		Экин экинладиган ер майдони	1 Га. ердан олинадиган 100 % кувватдаги хосилдорлик, тн	Жами етиштириладиган махсулот хажми	Бир бирлик махсулот нархи	Жами ишлаб чикариш куввати (минг сум)
1	Узум	70	10	700	600000	420000
2	Бугдой	10	4,4	44	260000	11440
3	Пиёз	15	5	75	200000	15000
4	Сомон	х	40	40	50000	2000
Жами 100% кувватда ишлаб чикариш киймати (минг сум)						448440

Кувватларнинг ишга туширилиши

1 йилда -		Нарх усиши - 0%			Кувват=	80%
№	Махсулот номи	Махсулотнинг йиллик ишлаб чикариш хажми			Бир бирлик махсулот нархи	
		Экин экинладиган ер майдони	1 Га. ердан олинадиган 80 % кувватдаги хосилдорлик, тн	Жами етиштириладиган махсулот хажми	Бир бирлик махсулот нархи	Жами ишлаб чикариш куввати (минг сум)
1	Узум	70	8	560	600000	336000
2	Бугдой	10	3,52	35,2	260000	9152
3	Пиёз	15	4	60	200000	12000
4	Сомон	х	32	40	50000	2000
Жами 100% кувватда ишлаб чикариш киймати (минг сум)						359152

2 йилда -		Нарх усиши - 6%			Кувват=	85%
№	Махсулот номи	Махсулотнинг йиллик ишлаб чикариш хажми			Бир бирлик махсулот нархи	
		Экин экинладиган ер майдони	1 Га. ердан олинадиган 90 % кувватдаги хосилдорлик, тн	Жами етиштириладиган махсулот хажми	Бир бирлик махсулот нархи	Жами ишлаб чикариш куввати (минг сум)
1	Узум	70	8,5	595	636000	378420
2	Бугдой	10	3,96	39,6	275600	10913,76

3	Пиёз	15	4,5	67,5	212000	14310
4	Сомон	х	36	40	53000	2120
Жами 100% кувватда ишлаб чикариш киймати (минг сум)						405763,76

3 йилда -		Нарх усиши - 6%			Кувват=	90%
№	Махсулот номи	Махсулотнинг йиллик ишлаб чикариш хажми			Бир бирлик махсулот нархи	
		Экин экинладиган ер майдони	1 Га. ердан олинадиган 95 % кувватдаги хосилдорлик, тн	Жами етиштириладиган махсулот хажми	Бир бирлик махсулот нархи	Жами ишлаб чикариш куввати (минг сум)
1	Узум	70	9	630	674160	424720,8
2	Бугдой	10	3,96	39,6	292136	11568,5856
3	Пиёз	15	4,5	67,5	224720	15168,6
4	Сомон	х	36	40	56180	2247,2
Жами 100% кувватда ишлаб чикариш киймати (минг сум)						453705,186

ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБ

Мазкур фаолият тури учун хом – ашё ресурси сифати дорилар ва минерал угитлар, ёкилги мойлаш материаллари ва бевосита ишлаб чикаришда иштирок этувчи мавсумий ишчиларнинг ишчи кучини айтиш мумкин.

Самаранд вилояти худуди Республика микёсида кишлок хужалиги, галлачилик ва озука етиштириш яхши ривожланган худудлардан биридир. Афсуски ишлаб чикариладиган кишлок хужалик махсулотлари ва озука сифатида ишлатишга ярокли экинларнинг катта қисми Тошкент вилояти ва бошқа худудларга, шунингдек чет-элга бу худудларда нарх-навонинг юқорилиги ва махсулот етишмаслиги ҳисобига сотилади ва экспорт қилинади.

Бунинг яна бир долзарб сабаби ушбу махсулотларни қайта ишлайтиган ва ишлатадиган ишлаб чикариш кувватларининг камлигидадир. Озука ва бошқа материаллар таъминотининг яхши йулга қуйилиши таннархнинг тушиши ҳисобидан нисбатан арзон махсулот ишлаб чикариш имконини яратади.

Мазкур бизнес режада хом – ашё ресурслари қуйидаги нархларда маҳаллий ишлаб чикарувчилардан сотиб олинishi режалаштирилган:

Селитра 1тн – 450 000 сум.

Аммофос 1 тн – 350 000 сум

Калий 1 тн. – 300 000 сум

Бугдой уруглиги 1 тн. – 500 000 сум.

Енилги мойлаш материаллари (хусусан дизел ёкилгиси) 1 литр – 800 сум.

Пиёз уруглиги 1 тн. – 300 000 сум

Шунингдек ерни тайерлаш, угитлаш, уругни экиш, дорилар, сугориш ва ишлов бериш учун елланадиган мавсумий ишчилар иш хақи харажатлари

Жами ҳисобда биринчи йилда хом – ашё учун 229 526 000 сум маблаг сарфланиши назарда тутилади: (Қаранг: Молиявий булим, 12- жадвал)

ИШЧИ КУЧИ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБ

Ушбу лойиханинг ишчи кучига ва ходимларга булган талаби 14 кишини ташкил қилади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 4 тани ташкил қилиб, қолган 5 киши ишчи хизматчилардан ва 5 нафар мавсумий ишчилардан иборат бўлади.

Маъмурий ходимлар таркиби фермер хужалиги раиси, раис муовини бош ҳисобчи, агрономлардан иборат бўлади.

Ишчи – хизматчи ходимлар таркиби эса механик слесарь, трактор хайдовчиси, мироб (сув назоратчиси), бир нафар қоровул ва 5 нафар мавсумий ишчиларидан иборат бўлади.

Ишчиларнинг иш вақти 10 соатлик иш куни тартибда ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 20:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вақти ҳисобида бўлади.

Иш самарадорлиги ва фойдали иш коефициентини ошириш максатида иш оралигита туртта 30 дақиқалик танаффуслар кузда тутилган бўлиб, улар ва тушлик вақтини чиқариб ташлаганда тулик иш вақти 8 соатни ташкил этади. Ундан ташқари бу икки соатлик танаффус иш кўпайган кунларда қўшимча иш соатлари сифатида ишлатишга қўл келади.

(Қаранг: Молиявий бўлим, 13- жадвал)

ИШЧИЛАРГА КЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ

Узум етиштиришга мулжалланган ферма малакали ишчи кучи ва билим талаб килади. Шу сабабли, ишга олинадиган ходимларга баъзи бир талаблар қўйилган.

Жумладан:

Маъмурият ходимларига қўйиладиган талаблар: олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки шунга ухшаш соҳада қаида беш давомида ишлаган бўлиши, виждонийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.

Ишчи-хизматчи ходимларга қўйиладиган талаблар: энг қаида урта-махсус маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган бўлиши ва шунга ухшаш соҳада қаида бир йил фаолият курсатган бўлиши керак.

Булардан ташқари тартиб-интизом, ростгуйлик, инсоф ва ҳаққонийлик, маҳаллий халқ анъаналари ва удумлари билан танишлик, биттадан ортик тилни билишлиги қаида сифатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Қорхона томонидан кадрларни уқитиш ва малақасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга ҳам қатта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун уқув-малақа амалиётлари, айни ёки ухшаш фаолият турида амалиёт уташ (Ўзбекистон ҳудудида ва чет-элда), малақали мутахассислар қумагида тушунтириш ва уқитиш ишларини ташкил қилиш, тадбиркорлик ва бошқарув амалиёти бўйича малақа ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириб туриш қаида ишлар режалаштирилган.

ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ

Юқорида таъқидлаб утилганидек қурилиши мулжалланаётган товук фермаси учун ажратилган ерда барча энерготаъминот тизимларига уланиш имқонияти мавжуд. Ва қурилиш лойихасида уларга тулик уланиш кузда тутилган.

Урта ҳисобда ичимлик сув сарфи асосан сугориш ишлари учун сарфланади. Сув сарфи маҳаллий оқава ариқларидан оқувчи сувларнинг ишлатилишини ҳисобга олиб, қоммунал харажатлар ҳисобига қиритилмайди.

Бошқа мақсадларда ишлатиш учун эса ер ости сувидан фойдаланиш кузда тутилган.

Электроэнергия сарфи асосан моторли қурилмаларни ишлатиш ва маъмурий бинони ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан ҳужалиқнинг қўнлик электроэнергия ресурсларига бўлган талаби 5 кВт ва йиллик сарф микдори 1800 кВт.ни ташкил этади.

Электроэнергия ва бошқа ресурслар таъминотининг зарурий микдори йилдан йилга ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ҳисобидан ошиб бориши тахмин қилиниб, ошиб бориш курсатқичи 0,05 га тенг (яъни 5 %) деб олинди.

Электроэнергия таъминоти учун туловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади ва қўйидаги 9 бўлимдаги тегишли жадвалда туловларнинг қораклик туловлари курсатиб утилган.

(Қаранг: Молиявий бўлим, 14- жадвал)

ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ

БОЗОР ШАРОИТИНИНГ ТАХЛИЛИ

Қишлоқ ҳужалиги тизимдаги қорхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 8 февралдаги мамлақатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2007 йил яқунларига ҳамда жорий йилнинг 18 июлида I ярим йил яқунларига бағишлаб утқазилган мажлисларидаги маърузаларида белгилаб берилган устувор вазиқалар ижросини таъминлашга йуналтирилди.

Сохани жадал ривожлантириш билан боглик тадбирларнинг муддатларида ва тулик амалга оширилиши хисобига асосий прогноз параметрлар доирасида иктисодий усишнинг баркарор суръатлари таъминланди, бунда:

- кишлок хужалигида иктисодий ислохотлар самарали давом эттирилмокда, 2008 йилнинг 1 октябрь холатига мамлакатимизда фаолият юритаётган фермер хужаликларининг умумий сони 223 минг 790 тани ташкил этиб, уларга 5 млн 830,7 минг гектар ер майдони бириктириб берилди ва бунда битта фермер хужалигига урта хисобда 26,0 гектар ижарадаги ер майдони тугри келмокда;
- жорий йил хосилини етиштириш учун тижорат банклари оркали кишлок хужалигига 982,9 млрд сум, шундан бошокли дон хосили учун 195,8 млрд сум ва пахта хосили учун 787,1 млрд сумлик имтиёзли кредитлар йуналтирилди;
- кишлок хужалик махсулотларини етиштириш билан боглик барча тадбирлар шартнома асосида ташкил этилмокда. Охирги йиллардаги кузатилаётган сув танкислигининг салбий таъсирини юмшатиш буйича Республика рахбарияти томонидан берилаётган ёрдам ва сувдан фойдаланишда тежамкор агротехнологияларни куллаш, агротехник тадбирларнинг уз вақтида сифатли амалга оширилиши, дехкончилик маданияти кутарилганлиги сабабли мавсум якуни буйича жами 6 миллион 178 минг тонна галла ишлаб чикарилиб, шунинг 2 млн 534 минг тоннаси давлатга сотилди;
- барча тоифадаги хужаликлар томонидан утган йилнинг шу даврига нисбатан пилла, мева, узум, сабзавот, полиз ва картошка махсулотлари хамда гушт, сут, тухум, жун ва коракул тери 2-15 фоизга куп ишлаб чикарилди;
- инвестицияларни жалб этишга тобора кулай шарт-шароитлар яратилаётгани холда давлат капитал куйилмаларини узлаштириш 9 ойлик прогнози 107,9 фоизга ва курилиш-монтаж ишларини бажариш хажми 100,0 фоизга амалга оширилди. Хорижий инвестицияларни янада купрок жалб этишга ва улардан максадли фойдаланишга булган талаб тобора кучайгани холда республика Хукумати кафолати остида 13 лойиха буйича 49,97 млн АКШ доллари хажмида иш бажарилиб, бу борада прогноздаги ишлар 10,4 фоизга ошириб бажарилди;
- амалдаги бахоларда 7 трлн 686,8 млрд сумлик ялпи кишлок хужалик махсулоти ишлаб чикарилгани холда утган йилнинг шу даврига нисбатан киёслама бахолардаги усиш даражаси 4,1 фоизни ташкил килди, шу жумладан вазирлик тизимида 32,7 млрд сумлик (5,5%) саноат махсулоти ва 3,7 млрд сумлик (19,8%) халк истеъмоли товарлари ишлаб чикарилди;
- тизимдаги корхоналар томонидан бозор конъюнктураси чукур урганилиб, унинг узгарувчан талабларидан келиб чиккан холда экспортбоп махсулотлар ишлаб чикариш хажмини купайтириш ва бу борада маркетинг тадқиқотларини тугри ташкил килиш хисобига экспортга махсулот чикариш миқдори йилдан-йилга усиб бормокда ва вазирлик буйича 9 ойлик прогноз 2 баравардан ошириб ижро этилди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан шу йил 8 февралда республика Хукумати мажлисида белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурининг энг мухим 5 та устувор вазибаларини амалга ошириш юзасидан вазирлик хамда тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан курилган чора-тадбирлар жорий йилнинг I ярим йилида куйидаги натижаларга эришишни таъминлади: халк хужалигининг бошка соха ва йуналишлари каби кишлок хужалигида хам прогноз параметрлар доирасида иктисодий усиш таъминланди, яъни мамлакат ялпи кишлок хужалик махсулотининг усиши 5,4 фоизга, шу жумладан вазирлик тизимида саноат махсулоти ишлаб чикариш 16 фоизга ва халк истеъмоли товарлари ишлаб чикариш 18,0 фоизга купайди;

- сохани ривожлантиришга халқаро молия институтлари маблағларини янада купрок жалб этишга эътибор кучаймокда - давлат капитал куйилмаларини узлаштириш 108,0 фоизга ва курилиш-монтаж ишлари хажми 100,0 фоизга бажарилгани холда хорижий инвестициялар жами капитал куйилмаларнинг 73,1 фоизини ташкил килди, бунда вазирлик буйича республика Хукумати кафолати остида 13 та лойиха асосида 31,33 млн АКШ доллари хажмидаги маблағ узлаштирилиб, прогноздаги тадбирлар ошириб ижро этилди;
- мамлакат экспорт дастури доирасида тизим буйича ярим йиллик махсулотлар ва хизматлар экспорти топшириги 177,6 фоизга бажарилди;
- бу даврда мамлакат ялпи кишлок хужалик махсулотида фермер хужаликларининг улуши 25,0 фоизга етди (бу курсаткич дехкон хужаликларида - 72,8% ва кишлок хужалик корхоналарида - 2,2

Бу маълумотлардан куришиб турибдики кишлок хужалиги тармоги кундан-кунга ривожланиб бормокда. Ва бунда мева – сабзавот ва полиз экинлари етиштиришга ва импорт урнини босувчи экспортбоп махсулотлар ишлаб чикаришга ката эътибор каратилмокда.

Иктисодиётнинг баркарор ривожланишида кишлок хужалиги, хусусан чорвачилик мухим ахамият касб этади. Мамлакатимизда аҳолининг чорвачилик махсулотларига булган эхтиёжини кондириш, бозорларда гушт, сут, тухум, балик ва бошка махсулотлар сероблигини таъминлашга устувор вазифалардан бири сифатида ёндашилмокда.

Бу борада узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда кабул килинган «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликлариди чорва молларини купайтиришни рагбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги хамда 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликлариди чорва моллар купайтиришни рагбатлантиришни кучайтириш хамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чикаришни кенгайтириш борасидаги кушимча чора-тадбирлар тугрисида»ги корорлари мухим дастуриламал булиб хизмат килмокда. Мазкур хужжатлар ижросини таъминлаш борасида катор ижобий ишлар амалга оширилмокда.

Хисобот йилида вазирлик хамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг асосий фаолияти Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан республика Хукуматининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурининг устувор вазифалари амалга оширилишини сузсиз таъминлашга каратилгани холда глобал молиявий-иктисодий инкирознинг олдини олиш ва окибатларини бартараф этиш юзасидан “2009-2012 йилларга мулжалланган Инкирозга карши чоралар” хамда “Кишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурлари доирасида катор тизимли тадбирлар амалга оширилиши натижасида баркарор иктисодий усишни таъминловчи куйидаги курсаткичларга эришилди:

Амалдаги баҳоларда 12 трлн 642,6 млрд сумлик **ялпи кишлок хужалик махсулоти** ишлаб чикарилиб, утган йилнинг шу даврига нисбатан киёслама баҳоларда 5,7 фоиз усиш таъминланди, уз навбатида вазирлик тизимида киёслама баҳоларда 76,6 млрд сумлик (усиш даражаси - 53,0%) саноат махсулоти хамда 7,2 млрд сумлик (29,0%) халк истеъмоли товарлари ишлаб чикарилди;

Хисобот йилида кишлок хужалик корхоналарига давлат буюртмаси буйича пахта хом ашёси ва бошокли дон етиштириш учун **1 трлн 108 млрд сумлик имтиёзли кредит** маблаглари йуналтирилди;

Бозор принципларини боскичма-боскич жорий этилиши, шартномавий ва хисоб-китоб тизимининг такомиллаштирилиши хамда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга булган эътибор натижасида утган 2008 йилга нисбатан 34 минг тонна ёки **33 млрд сумлик дизель ёнилгиси** ва сув хужалигида фойдаланиладиган электр энергиясидан **19,5 млрд сум маблаг иктисод килинди**;

фермерлик харакати самарадорлигини оширишга каратилган тадбирлар изчил давом эттирилди, Узбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон хамда 2009 йил 22 октябрдаги Ф-3287-сон фармойишлари доирасида **фермер хужаликларининг ер участкаларини макбуллаштириш** билан боглик вазифалар деярли якунига етказилди.

Бугунги кунда мамлакат ялпи кишлок хужалик махсулотида фермер хужаликларининг улуши 34,5 фоизни ташкил этиб, ишлаб чикарилган жами пахта хом ашёсининг 99,2 ва галланинг 81,4 фоизи улар хиссасига тугри келди.

Жами 6 миллион 839 минг тоннадан зиёд галла ишлаб чикарилиб, унинг 3 млн 203,3 минг тоннадан ортиги давлатга сотилди. Мавсумда 23 минг 972,4 тонна пилла хом ашёси тайёрланди;

Мамлакат аҳолисини озик-овкат товарларига булган эхтиёжини туларок кондириш ва ички истеъмол бозорини барра ва сархил кишлок хужалик махсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чоралари курилди, натижада **жами 10 млн 770,7 минг тонна** ёки утган йил курсаткичларига нисбатан **10,0 фоиз ёки 979,8 минг тонна куп** махсулот тайёрланди, бунда 5704,7 минг тонна **сабзавот** (ёки 2008 йилга нисбатан +487,3 минг тонна), 1523.5 минг тонна **картошка**(+124,8 минг тонна), 1100.0 минг тонна **полиз** (+118,7 минг тонна), 1542.9 минг тонна **мева**(+140,2 минг тонна) ва 899,6 минг тонна **узум**(+108,8 минг тонна) ишлаб чикарилгани холда куз-киш мавсуми учун уларнинг **521,7 минг тонна захираси** яратилди;

“Мевасабзавоттайёрловсавдо” ихтисослашган компанияларини ташкил килиш ва иссиқхоналар куриш хамда улар фаолиятини йулга куйиш борасидаги ишлар катъий график асосида олиб борилгани холда мукобил иссиқлик манбаларидан фойдаланувчи **585,8 гектар** майдонда **1029 таенгил конструкцияли иссиқхона** курилди;

Барча тоифа хужаликлариди жами корамоллар бош сони 8510,8 минг бошни ташкил этиб, утган йилга нисбатан 6,0 фоизга купайди, шундан сигирлар 3535,6 минг бош (6.2%), куй ва эчкилар 14438,3 минг бош (6.5%), паррандалар 33025,8 минг бош (11,9%) ва уз навбатида унинг махсулдорлиги хам ошиб, тирик вазнда жами 1367,7 минг тонна гушт, 5778.9 минг тонна сут, 2715.9 млн дона тухум, 24.9 минг тонна жун ва 897,9 минг дона коракул тери ишлаб чикарилди;

Янгидан 165 та зооветеринария ва 94 та сунъий уруглантириш пунктлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 3446 тага етказилди.

Аҳоли ва фермер хужаликларидаги чорва молларига мавжуд 2443 та зооветеринария пунктлари томонидан 6,2 млрд сумлик сервис хизматлари курсатилиб, бунда бир шартли чорва молига курсатилган хизмат баҳоси республика буйича уртача 819 сумни ташкил қилди;

Чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида хорижий давлатлардан 37,5 млрд сумга жами 6651 бош насли моллар келтирилиб, бир бош насли гунажиннинг уртача баҳоси 5,6 млн сумга тугри келди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сон қарори доирасида **гуштни қайта ишлайдиган** 39 та ва сутни **қайта ишлайдиган** 58 та ҳамда **сутни қабул қилувчи** 43 та сервис марказлари ташкил этилди.

Паррандачиликка ихтисослашган 372 та фермер хужалиги ташкил этиш ҳамда тизимдаги саноат корхоналарида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига жами 2670 та янги иш уринлари яратилиб, аҳолининг иш билан бандлигида утган йилнинг шу даврига нисбатан тизим буйича 75,3 фоиз ўсиш таъминланди;

“Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Давлат дастури доирасида **жами 130,0 млрд сум** ажратилган бўлиб, шу ҳисобдан ҳисобот йилида 102 та лойиха буйича 702 километр узунликда коллектор-дренаж тармоғи, 136 километр ёпик-ётик дренаж, 195 дона тик қудуқлар, 6 дона мелиоратив насос станция ҳамда 485 дона қузатув қудуқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Бундан ташқари 263 та лойиха буйича 12 минг 696 километр коллектор-дренаж тармоғи тозаланди, 1311 километр ёпик-ётик дренаж ювилди, 1249 дона вертикал дренаж, 57 дона мелиоратив насос агрегатлар таъмирланиб, 48 млрд 142 млн сумлик (101,8%) маблаг узлаштирилди;

Соҳа илм-фанини ривожлантиришдаги саъйи-ҳаракатларда ва илмий изланишларда натижадорликка устуворлик берилиб, улар қулами янада кенгайтирилди, Давлат дастури доирасида қишлоқ ва шаҳарлар атрофини қукаламзорлаштириш ва соф экологик муҳитни яратишга булган эътибор янада кучайтирилди ва тизимдаги урмон хужаликларида 42,2 минг гектарда янги урмонзор барпо этилди, жами 29,5 гектарда “Япон софораси” ҳамда 10,7 гектар майдонда “Қаштан” дарахти қучатларини етиштирувчи қучатхоналар ташкил қилинди.

Соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида барча тоифа хужаликларида 2008 йилда қорамоллар бош сони 7778,3 минг бошга, шундан сизирлар 3312,1 минг бошга, қуй ва эчкилар 12698,7 минг бошга, паррандалар 27947,2 минг бошга қупайди.

Аҳоли дастурхонига 1244,9 минг тонна гушт, 5199,3 минг тонна сут, 2305,5 млн дона тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Шунингек, 22497,9 тоннадан қупрок жун тайёрланди.

Эндиликда хонадонда чорва моллари парваришлаётган аҳоли ҳам иш билан банд аҳоли тоифасига киритилиб, уларга пенсия ёшига етганда нафақа тайинланадиган булди. Бунинг учун, қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шугулланаётган аҳолига меҳнат дафтарчалари очилиб юритилади. Жумладан, кейинги уч йилда чорвачилик билан банд 2 млн нафардан қупрок фуқароларга меҳнат дафтарчалари очилди.

Соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида 2008 йил давомида барча тоифа хужаликларида қорамоллар бош сони 7912,8 минг бошга ёки утган йилга нисбатан 454,7 минг бошга (106 фоизга), шундан сизирлар 3283,3 минг бошга ёки утган йилга нисбатан 158,7 минг бошга (105 фоизга), қуй ва эчкилар 13064,4 минг бошга ёки утган йилга нисбатан 428,8 минг бошга (103 фоизга), паррандалар 27947,0 минг бошга ёки утган йилга нисбатан 1828,1 минг бошга (107 фоизга) қупайди.

Шу даврда гушт ишлаб чиқариш 1287,6 минг тонна ёки утган йилга нисбатан 78,9 минг тоннага (106,5 фоизга), сут 5420,0 минг тонна ёки утган йилга нисбатан 322,6 минг тоннага (106 фоизга), тухум 2499,5 млн. дона ёки 284,6 млн. донага (112,8 фоизга), жун 23281,4 тонна ёки утган йилга нисбатан 895,4 тоннага (104 фоизга) ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хужаликларида чорва моллар қупайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қушимча чора-тадбирлар тугрисида”ги 842-сонли қарори буйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 21 май қуни Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг 89-сонли буйруғи билан “Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хужалиқларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар уруғлиги етиштириш тартиби тугрисида” Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан 1820-сон билан руйхатдан утказилди.

2009 йилнинг биринчи чорағи давомида республикада барча тоифадаги хужалиқларда қорамоллар умумий бош сони 8008,3 минг бошга етказиб, утган йилнинг шу даврига нисбатан 608 минг бошга ёки 8,2 фоизга, сизирлар 3334,5 минг бошга етказиб, утган йилга нисбатан 198,2 минг бошга ёки 6,3 фоизга, қуй ва эчкилар 14085,4 бошга етказиб, 797,3 минг бошга ёки 6,0 фоизга ўсишига эришилди.

Шунга кура, гушт ишлаб чиқариш 279363 тоннага (6,7 фоиз), сут 1012016 тоннага (6,8 фоиз), тухум 512,6 донага (12,6 фоиз), жун 438 тоннага (30 фоиз) купайди.

Мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотларини етиштириш прогноз кўрсаткичлари:

Сабзавот – 5 млн. 865,3 минг тонна

Полиз – 1 млн. 122,6 минг тонна

Картошка – 1 млн. 566,6 минг тонна

Мева – 1 млн. 575,3 минг тонна

Узум – 937,4 минг тонна

Республика бўйича 2010 йилда 196,4 минг гектар асосий ва оралик майдонга сабзавот (сабзи, помидор, пиёз, карам ва бошқа экинлар), 66,4 минг гектарга картошка ва 46,1 минг гектарига полиз экинлари экиш белгиланган. Жойлардан олинган даслабки маълумотларга кўра жорий йилнинг 15 апрелигача 180,1 минг гектар майдонга сабзавот, 36,5 минг гектар майдонга полиз ва 67,3 минг гектар майдонга картошка экинлари экилган.

Ўзбекистон Республикасидаги фермер ва деҳқон хўжаликларида 226 минг гектар майдондаги боғлардан 180 минг гектари ҳосилли боғлар, 125 минг гектар майдондаги токзорлардан 110 минг гектари ҳосилли токзорларнинг ҳосилдорлиги ошириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун боғ ва токзорларнинг агротехник тадбирларини фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ўз вақтида ўтказилмоқда.

Республика бўйича 4,1 минг гектар янги мевали боғлар, 1,7 минг гектар янги токзорлар борпо этилган.

Республика бўйича 13,3 минг гектар мевали боғлар, 4,5 минг гектар токзорлар таъмирланган, уларнинг ораларига 1463 минг дона мевали кўчатлар, 1567 минг дона узум кўчатлари ўтказилган.

2010 йил 1 чорак якуни билан 24,0 минг тонна сабзавот маҳсулотлар етиштирилган.

Прогноз кўрсаткичларида белгиланган ҳажмларда маҳсулотларни йиғиштириш ишлари мавсумий давом эттирилмоқда.

Агрофирмалар бўйича. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2010 йилда 269 та агрофирмалар фаолият юритмоқда.

Республикада агрофирмалар томонидан маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлар билан жами 1857,0 минг тонна мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар тузилган.

Агрофирмалар томонидан маҳсулотлар етиштирувчи субъектларга тузилган шартномалар асосида 21 млрд 382 млн. сўмлик бўнак маблағлари берилган. Маҳсулот етиштирувчи субъектлардан тузилган шартномалар асосида агрофирмалар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотиб олиб, ушбу маҳсулотларни тайёрловчи корхоналарига тузилган шартномалар асосида етказиб бериб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисидаги” ПҚ-1213-сонли қарори ва Идоралараро Кегашнинг 24.03.2010 йил 12-сонли Баёни асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 9 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Ҳукумат кафолати билан 2010 йил Инвестиция дастурига киритилган ушбу 9 та лойиҳанинг режалаштирилган қиймати 62,15 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2010 йил январь-март ойлари учун 4,46 млн. АҚШ долларини қоридоғидаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 4,473 млн. АҚШ долларини ёқирежаганисбатан 100,3 % ниташкилэтди, шужумладан:

1. **Халқаро ривожланиш ватараққиёт банк маблағлари ҳисобидан, яъни “Ўзбекистон Дренаж лойиҳаси.” “Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш лойиҳаси” (Б. Юсупов).** Лойиҳанинг умумий қиймати 74,55 млн АҚШ долларини ташкил этиб, ундан Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,55 млн. АҚШ долларини ва 60 млн. АҚШ доллари эса ХРТБ (МБРР)нинг қарз (заём) маблағларини ташкил этади. Булар жумласидан Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки қарзи (заёми) 35 млн. АҚШ долларини ва 25 млн. АҚШ доллари Халқаро Тараққиёт Ассосацияси (МАР) нинг қарзи (заём)ни ташкил этади.

2010 йилда 5,63 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2010 йил ҳолатига 43,6 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 72,7% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2010 йили январь-март ойлари учун 0,712 млн. АҚШ долларини миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 0,718 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,8 % ни ташкил этди.

2. ОПЕК халқаротараққиёт Жамғармаси маблағлари иштирокида “Бухоровилояти “Қуйи-Мозор” насос станциясини қайта тиклаш лойихаси” (Х. Зокиров)
Бухоровилоятининг суғориладиган ерларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда ОПЕК халқаротараққиёт Жамғармаси билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 17 январда ОПЕК халқаротараққиёт Жамғармаси иштирокида “Қую-Мозор” насос станциясини қайта тиклаш” лойихасини амалга ошириш чора-тадбирларни ўғрисидаги ПҚ-782-сонли қарори қабул қилинди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 18,47 млн АҚШ доллари, бундан 12,0 млн АҚШ доллари ОПЕК халқаротараққиёт Жамғармаси маблағи, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 6,48 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳани амалга ошириш муддати тўрт йил деб (2008-2011 йй.) белгиланган. 2010 йил учун 5,49 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағини жалб этиш режалаштирилган.

Кредит маблағларини ўзлаштирилиши 2009 йилдан бошланган бўлиб, 2010 йили январь-март ҳолатига 0,27 млн. АҚШ долларини миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

3. Бухоро вилояти “Олот” насос станциясини қайта тиклаш” лойихаси. Саудия тараққиёт жамғармасининг кредити. Лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 июлдаги Ф-2789-сонли фармойиши асосида кўзда тутилган. СТЖ билан кредит келишуви 2009 йил ноябрда имзолаган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 17,01 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 12,0 млн. АҚШ доллари Саудия тараққиёт жамғармасининг кредити, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 5,01 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 2010 йилда 4,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.

4. Осиё Тараққиёт Банки маблағлари иштирокида “Аму-Занг машина каналини қайта тиклаш” лойихаси (С. Жўраев). Лойиҳанинг умумий қиймати 112,6 млн АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 73,2 млн АҚШ доллари Осиё Тараққиёт Банки қарзи, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 36,95 млн. АҚШ доллари, бенифициарларнинг улуши 1,64 млн АҚШ доллари ва 0,08 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағлар хусусий сектор улушини ташкил этади.

2010 йилда 4,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.

Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2010 йил ҳолатига 57,8 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 78,9 % ҳажмида маблағ ўзлаштирилди. 2010 йил январь-март ойлари учун 0,844 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 0,844 млн. АҚШ долларни ёки режага нисбатан 100% ни ташкил этди.

5. Осиё Тараққиёт Банки маблағлари иштирокида “Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш” лойихаси (Т. Мамадвалиев). Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 августдаги ПҚ-1172-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 144,05 млн АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 100,0 млн АҚШ доллари Осиё Тараққиёт Банки қарзи, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 44,05 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2010 йилда 5,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.

Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2010 йил ҳолатига 0,0425 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

2010 йили январь-март ойлари учун 0,042 млн. АҚШ долларини миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 0,0425 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 101,2% ни ташкил этди.

6. Ислом тараққиёт банки, Кувайт Арабиктисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК халқаротараққиёт жамғармаси иштирокидаги «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш» лойихаси (Ш. Примов). Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 июлдаги Ф-2789-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 октябрдаги ПҚ-1215-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 94,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бундан Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси қарзи 15,62 млн. АҚШ доллари, Ислом Тараққиёт Банки қарзи 52,65 млн. АҚШ доллари ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси қарзи 12,72 млн. АҚШ долларини

ташкил этади.
 2010 йилда 11,3 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.
 Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2010 йилхोलатиға 0,1931 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

2010 йил январь-март ойлари учун ўзлаштириш 0,1931 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,0% ни ташкил этди.

7. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси (2-чи босқичи). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 августдаги 196-сонли қарори ва Жаҳон банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2008 йилнинг 08 октябрь кунини имзоланган молиялаштириш тўғрисидаги битимиға асосан амалға оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 76,943 млн АҚШ доллари ниташкил этиб, бундан 67,96 млн АҚШ доллари Жаҳон Банки қарзи, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 7,438 млн. АҚШ доллари, бенифициарларнинг улуши 1,545 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағларни ташкил этади.

2010 йилда 10,06 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.
 Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2010 йилхोलатиға 8,844 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 13,01% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2010 йил январь-март ойлари учун ўзлаштириш 2,088 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,2% ни ташкил этди.

8. Осиё тараққиёт банки иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш” лойиҳаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 26 сентябрдаги ПҚ-698-сонли қарори асосида амалға оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 76,18 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 60,2 млн. АҚШ доллари Осиё Тараққиёт Банки қарзи, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 15,58 млн. АҚШ доллари, бенифициарларнинг улуши 0,394 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағларни ташкил этади.

2010 йилда 10,17 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.
 Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2010 йил холатиға 3,953 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 6,56% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2010 йил январь-март ойлари учун ўзлаштириш 0,587 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,3% ни ташкил этди.

БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ

